

З.И. Аташикова, Н.О. Шамадиева, М.О. Мусаева

Ўзбек тили

**Умумтаълим мактабларининг
3-синфи учун дарслик**

2-қисм

*Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан
министрлиги тасдиқлаган*



Алматы
«Жазушы»
2018

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922
Ш 22

Шартли белгилар



Ўқинг.



Ёзинг.



Ўйланг, аниқланг.



Сўзланг.



Мақоллар.



Тез айтишлар

Шамадиева Н.О. ва б.

Ш 22 Ўзбек тили. Умумтаълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик. 2-қисмли / *Н.О. Шамадиева, З.И. Аташикова, М.О. Мусаева. 2-қисм.* – Алматы: Жазушы, 2018. – 144 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-603-2 (2-қисм)

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922

© Шамадиева Н.О., Аташикова З.И.,
Мусаева М.О., 2018

© «Жазушы» баспасы, 2018

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.
Нашрнинг мулкый ҳуқуқлари
«Жазушы» нашриётига тегишли.

ISBN 978-601-200-603-2 (2-қисм)

ISBN 978-601-200-619-3 (жалпы)



Сўз туркумлари



1. Ўқинг.

Аввал шахс-нарсани, кейин белгини, сўнгра саноқни ва ундан кейин ҳаракатни билдирган сўзларни намунада кўрсатилгандек ёзинг. Уларга сўроқ беринг.

Қиш. Қор ёғяпти. Кун совуқ. Кенг далалар, мевазор боғлар, баланд тоғлар оқ чойшабга ўралгандек кўринади. Икки бола маза қилиб чана учаётир. Уч-тўртта бола қордан катта Қорбобо ясаяпти.

Намуна:

Шахс – нарсани билдирган сўзлар: қиш, ...,

Белгини билдирган сўзлар: оқ, ...,

Саноқни билдирган сўзлар: икки, ...,

Ҳаракатни билдирган сўзлар: ёғяпти, ...,

Ёдда сақланг!

От, сифат, сон, феъл – сўз туркумларидир.



2. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида от, сифат, сон, феълларни аниқлаб, жадвални тўлдилинг.

Оқ, нур, бешта, яшил, ишчи, чиройли, сўзлади, тўқсон, гулзор, ишчан, ўн икки, деҳқон, қувноқ, очилди, ўн бешинчи, бажарди, олхўри, силлиқ, яйлов, югурияпти, катта, боғляпти, еттинчи, тай-ёрлайди, газлама, сўзлайди, юзта.

От	Сифат	Сон	Феъл
Қим? Нима?	Қандай? Қанақа?	Нечта? Қанча?	Нима қилди? Нима қияпти? Нима қилмоқчи?
Нур	яшил	бешта	сўзлади



3. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг.

Кун совиди. Ерлар музлади. Кечга яқин қор ёғди. **Оппоқ** қор ҳамма ёқни қоплади. Дарахтлар оқ кийим кийди. Болалар **қорбўрон** ўйнашга киришдилар.

Матнни кўчиринг. Гап бўлақларини аниқлаб, тагига чизинг.



4. Сўзларни ўқинг. Уларнинг ҳар бирига сўроқ беринг, қайси сўз туркумига тегишлигини айтинг.

Сув, учув, қурув, волейбол, хоккей, сут.

Шу сўзлардан *-чи* қўшимчаси ёрдамида сўзлар ҳосил қилинг. Намунадагидек ёзинг ва белгиланг.

Намуна: Сувчи




5. Шеърни ифодали ўқинг.

Оппоқ – тиниқ, оппоқ қор,
Ўйнаб тушар осмондан.
Қор қўйнида ўйноқлаб
Юрар ёшлар шод – хандон.

Зафар Диёр

Шеърни ёддан ёзинг.





От – сўз туркуми



1. Нарса ва шахсни билдирган сўзларни ўқинг ва уларга сўроқ беринг.

Телевизор, бола, китоб, ўқувчи, парта, чегарачи, жавон, ишчи, эшик, дафтар, қалам, шифокор.

Аввал шахсни билдирган сўзларни кейин нарсаларни билдирган сўзларни ёзинг.

Намуна:

Шахслар: ким? бола, ...

Нарсалар: нима? китоб, ...

Ёдда сақланг!

Шахс ва нарсани билдириб, ким? ёки нима? сўроғига жавоб бўлган сўзлар от дейилади. Чўпон, стол, чақмоқ, ўрдак, ранда, бинокор каби сўзлар отлардир.



2. Ўқинг ҳар бир сўзга сўроқ беринг. Уларни қайси сўз туркумига оид эканини айтинг.

Дурадгор, қор, бола, автобус, шамол, учувчи, ота, муҳандис, қалам, фарзанд, чизғич, кема, дизайнер, метро, ёмғир, набира, дафтар.

Сўзларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб ёзинг:

Шахсларни билдирувчи отлар: ота, ...

Ўшиларнинг касбларини билдирувчи отлар: муҳандис, ...

Транспорт воситаларини билдирувчи отлар: автобус, ...

Табиат ҳодисаларини билдирувчи отлар: қор, ...

Ўқув қуролларини билдирувчи отлар: қалам, ...



3. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг.

Қуёш чиқди. Ишчи заводга кетди. Деҳқон далада ишлаяпти. Бобом кўчат экди. Шариф мактабга боради.

Кўчиринг ажратиб кўрсатилган сўзлар ёнига сўроғини намунадагидек ёзиб қўйинг.

Намуна: Қуёш (нима?) чиқди. Ишчи (ким?) заводга кетди.




4. Ўқинг. Улар қайси сўз туркуми эканини айтинг. Ҳар бир сўз гуруҳига ўзингиз яна иккитадан сўз қўшинг.

Шахслар: ким? чўпон,
Ўсимлик: нима? пахта,
Ҳайвонлар: нима? сигир,
Қушлар: нима? чумчуқ,
Иш қуроллари: нима? ранда.



5. Мақолни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг. Отларни аниқланг.

Китоб билим беради,
Билим бахт келтиради.





Атоқли от



1. Диалогни ролларга бўлиб ўқинг. Кишиларнинг исм ва фамилияларини билдирган сўзларни айтинг.

- Ўзимни таништиришга рухсат этинг!
- Менинг исмим Хуршида, фамилиям Қомилова.
- Сизнинг исмингиз ким?
- Сизнинг фамилиянгиз ким?
- Сиз ким бўласиз?



- Менинг исмим Анвар.
- Фамилиям Хўжаев.
- Мен Акмал аканинг ўғлиман.
- Танишганимдан хурсандман.

Ёдда тутинг!

Кишиларга, ҳайвонларга атаб қўйилган номлар, жой номлари, газета-журналларга аталиб қўйилган отлар атоқли отлар дейилади. Атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилади.
Масалан: Насиба, Сайрам, Қашқа.



2. Гапларни ўқинг. Кўчиринг, атоқли отларнинг тагига бир чизиқ чизинг.

Поезд Астана шаҳрига яқинлашди. Олапар қаттиқ вовуллади. Самолёт Чимкент аэропортидан Москвага қараб учди. Бобом кўпкарига Бойчиборни минди. Гулчехра Низомова “Жануб жарчилари” газетасига обуна бўлди. Санъаткорлар “Туркистон” санъат саройида концерт кўрсатишди.



3. Расмга қаранг. Болаларга исм қўйинг ва гаплар тузинг.



4. Матни ўқинг. Атоқли отларни аниқланг ва ёзинг.

Нозим расм чизишга қаттиқ қизиқиб қолди. У мактабдан чиқадую, дўсти Олим билан тўгаракка чопади. Нозим келажакда Ўрол Тансиқбоевдек таниқли рассом бўлмоқчи. Отаси Фарҳод ака ва онаси Зебо опалар бундан хурсанд бўдилар




5. Шеърни ўқинг. Ёддан ёзинг. Атоқли отнинг тагига чизинг.

Дўхтир қиз

Самираҳон жимгина,
Дўхтир бўлиб кузатар.
Ширин сўзлаб, дорисиз –
Бувисини тузатар.

Вали Аҳмаджон





Турдош от



1. Ўқинг.

Қамалак, ёмғир, ўқувчи, чақмоқ, кўмир, туман, шамол, сувчи, қиров, шабнам, соат, расм, деҳқон.

Отларни қуйидаги тартибда ёзинг.

Шахслар: ким? ўқувчи, ...

Нарса номлари: нима? кўмир, ...

Табиат ҳодисалари номлари: нима? чақмоқ, ...

Ёдда тутинг!

Нарса-буюм, ҳодисаларнинг умумий номини билдирган отлар турдош отлар дейилади.

Масалан: одам – умумий от. Раъно – яқка шахс исми.



2. Шеърни ўқинг.

Устоз – шогирд

Чарх айланар тинимсиз
Хум ясар уста кулол.
Ҳайратланар набира
Бобо санъатидан лол.

Қадимий бу ҳунарнинг
Ўчмас сира чироғи.
Ўзига тортиб турар
Она Ватан тупроғи.



Набижон Қодиров

1. Шеърда қандай касб ҳақида айтилган?
2. Турдош отларни аниқланг.



3. Матни ўқинг.

Биз дўстим Азизбек билан театрда эртақ томоша қилишга келаётган эдик. Бобом бизни чақириб, қуйидагиларни тайинладилар;

– Болаларим, театрда тартибли бўлинг. Театр томоша қилиш қоидасини бузманг. Томошабинларга ҳалақит берманг. Ўтирган жойингизда ҳуштак чалманг, бақирманг. Одобли бўлинг.

Матндан турдош отларни аниқлаб ёзинг.



4. Расмни кузатинг. Аввал ким? кейин нима? сўроғига жавоб бўлган сўзларни ёзинг.



Ким? ,
Нима? ,





Отларда кўплик ва бирлик



1. Гапларни ўқинг. Ажратиб берилган отларга савол беринг.

Ўқувчи топшириқни тўғри бажарди. Ўқувчилар концертга тайёргарлик кўрдилар. Рассом кўرғазмага келди. Мактабимизда рассомлар билан учрашув ўтказилди. Мен ўқиган китоб жуда қизиқ экан. Кутубхонада бадий китоблар кўрғазмаси уюштирилди.

Ёдда тутинг!

Отлар бирлик шаклида (ўқувчи, китоб) ва кўплик шаклида (ўқувчилар, китоблар) қўлланилади.

Бирликдаги отлар ким? ёки нима? сўроғига, кўпликдаги отлар кимлар? нималар? сўроғига жавоб бўлади.



2. Шеърни ўқинг. Шеърдан турдош отларни аниқлаб топинг.

Қор

Олча гули баргидай
Ўйнаб учиб ёғар қор
Ажаб: қорга қарайман,
Кўнглимда яшнар баҳор.
Дарахтларнинг шоҳида
Қор яшнайти худди гул.
Қия тепаликларнинг
Яхида ялтирар ул.

Зулфия



3. Ұқинг. Кўпликдаги отларнинг айтилиши ва ёзилишига диққат қилинг. Кўпликдаги отларни бирлик шаклида намунадагидек ёзинг.

Китоблар, чизғичлар, қаламлар, уйлар, кўчалар, идоралар, боғлар, полизлар, дарёлар, кўллар, далалар, ноутбуклар, расмлар, кўрғазмалар, ойналар.

Намуна: Китоблар – китоб.



4. Шеърни ўқинг. Ёддан ёзинг.

Қўшиқ куйлар қизалоқ,
Тинглар боғлар, далалар,
Овози шўх қўнғироқ,
Қўшиқ нурдай таралар.

Рауф Толиб

Турдош отларнинг тагига чизинг, бирликда ёки кўпликда келганини айтинг.



5. Матнни ўқинг. Бирлик ва кўпликда берилган отларни аниқланг.

Тоғлар ёш ва қадимий бўлиши мумкин. Пайдо бўлганига кўп вақт бўлмаган ва ҳали ривожланаётган тоғлар ёш тоғлардир. Кўҳна тоғларда эса ички жараёнлар аллақачон тўхтаган бўлса-да ташқи кучлар ўз бузғунчилик таъсирини кўрсатишда давом этади.

1. Шеърни ўқинг. Ажратилган сўзлардаги қўшимчаларга эътибор беринг.





Отларда шахс ва сон

Қўшним Али қиш фасли
Ўстиради турли гул
Кўрганларнинг ҳаваси
Келиб юради нуқул.

Пўлат Мўмин

2. Матнини ўқинг.

Ёдда тутинг!

Отлар уч шахснинг бирига тааллуқли бўлиб, шунга доир шахс-сон қўшимчаларини олади.

Шахслар	бирлик	кўплик
I шахс (сўзловчи)	-м -им	-миз -имиз
II шахс (тингловчи)	-нг -инг	-нгиз -ингиз
III шахс (ўзга)	-си -и	- (лар)и

Бизнинг мактабимизга драма театри актёрлари меҳмонга келди. Меҳмонлар янги спектакль кўрсатишди. Спектаклда ролларни машҳур актёрлар ўйнашди. Болалар мириқиб дам олишди.

Спектаклдан сўнг актёрлар ўқувчилар билан суҳбатлашишди. Учрашув охирида меҳмонлар мактаб альбомига эсдалик учун дил сўзларини ёзиб қолдиришди. Кейин ҳамма улар билан хайрлашди.

Шахс-сон қўшимчасини олган сўзлар қатнашган гапларни кўчириб ёзинг.

3. Мақолни ўқинг ва мазмунини тушунтиринг. Ажратилган отларнинг



шахс-сонларини аниқланг.

Юзим оқ бўлсин десанг,
Ишингни тўғри қил.

Китобнинг баҳоси арзон,
Ичи тўла маржон.

Иш қуролинг соз бўлса,
Машаққатинг оз бўлур.



4. Рубоб, санъат отларига шахс-сон қўшимчаларини қўшиб ёзинг.

Намуна:

I шахс (сўзловчи) рубобим, рубобимиз

II шахс (тингловчи) ...,

III шахс (ўзга) ...,




5. Шеърни ўқинг. Ёддан ёзинг.

Қўй

Менинг номим эрур Қўй,
Билмасанг гар билиб қўй.
Ўзим жудаям ювош,
Гўштим билан ширин ош.

Мухтор Худойқулов

1. Шеърни ўқинг. _____ га қандай қўшимчалар





қўшилган?

Отларнинг эгалик қўшимчалари билан турланиши

Чиройли

Оқ қаптарим чиройли,
Кўк каптарим чиройли
Тинчлик қуши дейдиган
Дил гапларим чиройли
Парвоз этинг элма-эл,
Қанотингиз толмасин.
Ер юзига – тинчлик, денг,
Эшитмаган қолмасин.

Ҳабиб Раҳмат

2. Матни ўқинг. Эгалик қўшимчаларини олган отларни аниқланг.

Ёдда тутинг!

Унли билан тугаган отларнинг ўзагига қўшиладиган *-м, -нг, -си, -миз, -нгиз*, ундош билан тугаган отларнинг ўзагига қўшиладиган *-им, -инг, -и, -имиз, -ингиз, -и* қўшимчалари эгалик қўшимчалари дейилади.



13 улуғ шоир Аҳмад Яссавий ҳақида кам маълумотга эга эдик. Яқинда вақтли нашрларда шоир ҳақида мақолалар ўқидик, унинг “Ҳикматлар” номли китоби билан танишдик. Унинг шахси ва ижоди бизда катта таассурот қолдирди. Биз таътил кунларида Туркистонда бўлиб, буюк бобокалонимиз Яссавий мақбарасини зиёрат қилишга қарор қилдик.

3. Гапларни ўқинг. Ажратиб берилган отларнинг эгалик қўшимчаларининг



тагига чизинг.

Мен дафтарим, китобимни тоза сақлайман. Менинг дўстим ақлли, одобли. Қуёш нурлари муз сумалакларини эритди. Халқимиз ҳалол меҳнати билан обрў орттиради. Бувим ўтов учун янги кигиз тайёрлади.



4. Ўйланг!

Шеърни ўқинг. Эгалик қўшимчаларини олган отларни аниқланг ва ёзинг.

Ўрдакчам

Ҳой, ўрдакчам, ўрдакчам
Сенга совға кўйлакчам.
Сув остига бекинма,
Касал бўлиб ўкинма.

– Хавотирга ўрин йўқ,
Бундан бўлсин кўнглинг тўқ.
Момик патим – кўрпачам,
Иссиқ ҳаво унга жам.

Вали Аҳмаджон




5. Топишмоқни ўқинг. Жавобини топинг.

Хўрозимнинг қанди бор,
Қаноти йўқ, банди бор.



1. Ўқинг. Ажратилган сўзларни қисмларга а

за қўшимчаларни





От ясовчи қўшимчалар



аниқланг.

Ҳаваскор қўшиқчи қувноқ оҳангда куйлади. **Темирчининг** қўлида темир сувдай эрийди. **Ёмғир гулзор** ҳуснини очди.

Сўз асоси – ўзакни бир устунга, сўз ясовчи қўшимчани олган отни иккинчи устунга ёзинг ва уларнинг маъносидаги фарққа эътибор беринг.

Намуна: ҳавас ҳаваскор

2. Берилган отларга от ясовчи *-чи, -кор, -зор, -лоқ* қўшимчаларидан мо-

Ёдда тутинг!

-чи, -кор, -дош, -зор, -лоқ қўшимчалари сўз асоси – ўзақларга қўшилиб от ясайди. *-чи, -кор, -дош* қўшимчали шахс маъносини; *-зор, -лоқ* қўшимчалари ўрин жой маъносини билдирган отлар ясайди: Навбат – навбатчи, олма – олмазор.



сини қўйиб, отлар ҳосил қилинг.

Ижод, пардоз, ғалла, тош, арча, атлас, чаман, сувоқ, қум.

Ҳосил қилган отлар иштирокида иккита гап тузинг. Гапларнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларини кўрсатинг.



3. Ёзинг. От ясовчи қўшимчаларни белгиланг.

Ўйинчи, сурнайчи, кутубхоначи, гулчи;
 Бастакор, бинокор, сабзавактор;
 Чаманзор, буғдойзор, ёнғоқзор;
 Ўтлоқ, тошлоқ, қумлоқ;
 Касбдош, синфдош, юртдош.



4. Расмга қаранг. Расм асосида “Арчазорда” мавзусида ҳикоя тузинг.




5. Шеърни ўқинг. От ясовчи қўшимчали сўзларни аниқланг.

Тоғ

Ястанади арчазор,
 Чеки йўқ, поёни йўқ.
 Қарайман такрор-такрор,
 Кўз узиш имкони йўқ.

Биллур булоқларини,
 Шарбат десам, ҳатто оз.
 Яшил ўтлоқларини,
 Бахмал десам бўлар соз.

Вали Аҳмаджон





Отларнинг келишик қўшимчалари билан турланиши



1. Ўқинг. Нуқталар ўрнига шеърнинг мазмунига мос қўшимчалар қўйиб ёзинг ва бу қўшимчаларни айтинг.

Ҳеч эринмай, булутлар,
Уч кун элагин қоқди.
Қишлоқ, овул, томлар...
Осмон... шакар оқди.

Муса Жонгозиев

Ёдда сақланг!

Отлар сўз ўзгартувчи қўшимчалар ёрдамида бошқа сўзлар билан боғланади. Отларни бошқа сўзлар билан боғлайдиган сўз ўзгартувчи қўшимчалар (-нинг, -ни, -га, -да, -дан) келишик қўшимчаларидир.

Отларнинг келишик қўшимчалари билан ўзгариши турланиш дейилади. Ўзбек тилида олтига келишик бўлиб, ҳар бир келишикнинг ўз сўроғи бор



2. Ўқинг. Қумри сўзи эга вазифасида келган гапни аниқланг. Ажратиб кўрсатилган сўزلардан Қумри отига сўроқ беринг.

Қумри 3-синфда ўқийди. Қумрининг укаси бор. У Қумрини жуда севади. Қумрига эргашади. Улар бирга дарс тайёрлайдилар. Қумрида қизиқ китоблар жуда кўп. Укаси Қумридан ажралмайди.

Ким?, кимнинг?, кимни?, кимга?, кимда?, кимдан? сўроқларига жавоб бўлган Қумри отини ажратиб кўрсатилган сўзлар билан устун шаклида ёзинг. Қўшимчаларнинг тагига чизинг.

Ёдда сақланг!

Келишиклар	Сўроқлари	Қўшимчалари
Бош келишик	ким? нима?	-
Қаратқич келишиги	кимнинг? ниманинг?	- нинг
Тушум келишиги	кимни? нимани?	-ни
Жўналиш келишиги	кимга? нимага?	-га (-ка, -қа)
Ўрин-пайт келишиги	кимда? нимада?	-да
Чиқиш келишиги	кимдан? нимадан?	-дан



3. Келишикларнинг номларини ва сўроқларини айтинг. Муסיқа, ҳайкал отларини сўроқлар ёрдамида турлаб ёзинг.


Бош келишик: ..., ...
Қаратқич келишиги:..., ...
Тушум келишиги:..., ...
Жўналиш келишиги:..., ...
Ўрин-пайт келишиги:..., ...
Чиқиш келишиги:..., ...



4. Мақолларни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг. Кўчириб ёзинг. Келишик қўшимчасини олган отларнинг тагига чизинг.

1. Ҳунар бўлса қўлингда,
Нон топилар йўлингда.
2. Она ернинг тупроғи
Она сутидан азиз.
3. Терга ботган –
Зарга ботар.





Бош келишикдаги отлар



1. Кўчиринг. Бош келишикдаги отнинг тагига чизинг. Бош келишикдаги от қайси гап бўлаги вазифасида келяпти?

Биринчи қор

Кун совиди. Ерлар музлади. Кечга яқин қор ёғди. Оппоқ қор ҳамма ёқни қоплади. Дарахтлар оқ кийим кийди. Болалар қорбўрон ўйнашга киришдилар.

Болалар сўзи қандай сўроққа жавоб бўлади?

Ёдда тутинг!

Бош келишикдаги отлар *ким?*, *нима?*, *кимлар?*, *нималар?*, *қаер?* сўроқларига жавоб бўлади.

Бош келишикдаги отлар гапда эга вазифасини бажаради.



2. Нуқталар ўрнига келишик қўшимчаларидан мосини қўйиб, гапларни ўқинг ва кўчиринг.

Биз уй ... келдик. Одил мактаб ... борди. Ўқувчилар “Болалар олами” газетаси... обуна бўлдилар. Ким Худойберди Тўхтабоев... “Сехрли қалпоқча” романини ўқиди? Қишлоғимиз бозори... ҳар хил мевалар сотилади. Олтин ўт... , одам меҳнат... билинади. Мен мактабимиз... бўладиган кечалар... қатнашаман.



3. Шеърни ифодали ўқинг. Бош келишикдаги отларни аниқланг.

Ҳазилкаш айиқполвон
Ўйнамоқчи қорбўрон.
Кўзи тушиб қуёнга
Олди уни нишонга
Зўр копток ясаб қордан,
Қуён ҳам отди бирдан.
Зарбдан дарахт тебранди
Айиқ қорга беланди.




4. Расмга қаранг. Расм асосида 3-4 гапли ҳикоя тузинг ва сарлавҳа танланг.



5. Тез айтишни ўқинг. Бош келишикдаги отларни аниқланг.

Арчалар арчазорда ардоқлими?
Арчазорда арчалар ардоқлими?





Қаратқич келишигидаги отлар



1. Ұқинг. Нуқталар ўрнига қаратқич келишиги қўшимчасини қўйиб ўқинг. Қаратқич келишигидаги от қандай сўроққа жавоб бўлаётганини айтинг .

Қушларнинг дўсти

Икки кеча-икки кундуз ёққан қор эрталаб тинди. Адҳам ҳовлига чиқиб қараса, ошхона... мўрисидан битта қуш кўринди. Қолганлари совуқ... дастидан қочиб уй... бўғотида ётибди.

Қушларга Адҳам... раҳми келди. У ҳас – чўплардан айвон тўсини устига жой қилди. Тахтача... устига ҳар куни дон сешиб турди. Шундай қилиб, қушлар янги инда ётадиган бўлдилар.

Ёдда тутинг!

Қаратқич келишигидаги отлар кимнинг? ниманинг? кимларнинг? нималарнинг? қаернинг? қаерларнинг? сўроқларига жавоб бўлади.

Қаратқич келишигидаги отлар бош келишиқдаги отларга *-нинг* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади, гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади. Қаратқич келишигидаги от гапда эгалик қўшимчасини олган бошқа отга боғланиб келади.



2. Ұқинг. Нуқталар ўрнига келишиқ қўшимчаларидан мосини қўйиб гапларни кўчиринг.

Гулнора... Раъно исмли синглиси бор. Гулнора синглисига жуда меҳрибон. Раъно Гулнора... жуда яхши кўради. Раъно Гулнора... эргашади. Гулнора... сира ажралгиси келмайди.



3. Сўзларни қаратқич келишиги қўшимчасини қўшиб ўқинг. Ажратиб берилган сўзларни қатнаштириб гаплар тузинг.

Театр, муסיқа, телефон, журнал, девор, стол, мустақиллик, сайлов, ижод, заковат.



4. Қавс ичида берилган сўроққа жавоб бўладиган гапнинг мазмунига мос отлар қўйиб мақолларни кўчиринг.

(Кимнинг?) юзига боқма, сўзига боқ. (Ниманинг?) таги роҳат. (Кимнинг?) ҳурмати ўз қўлида. Билим (ниманинг?) чироғидир.


Қўйиш учун сўзлар: *киши, меҳнат, ақл.*



5. Тез айтишни ўқинг, келишик қўшимчаларини аниқланг.

Норнинг нордон анори нарида.

Олма шоҳида олмахон,
Олмахонни олма, олмахон.





Тушум келишигидаги отлар



1. Матни ўқинг. Ажратиб берилган сўзлардаги келишик қўшимчаларини аниқланг.

Қаҳва

Қаҳванинг гоят хушбўйлиги ҳар кимни ўзига жалб қилади. У чой сингари **чанқоқни** босади, энг оғир **овқатни** ҳам ҳазм қилдиради. **Қоринни** тўйдиради, бош оғриғини қолдиради. Кишини жуда тетик ва гоят қувватли қилади.

Ёдда сақланг!

Тушум келишигидаги отлар *кимни? нимани? кимларни? нималарни? қаерни?* сўроқларига жавоб бўлади. Тушум келишигидаги от бош келишикдаги отга *-ни* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади.

Тушум келишигидаги от гапда феълга боғланади ва иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.



2. Нуқталар ўрнига тушум келишиги қўшимчаларини қўйиб, гапларни ўқинг. Тушум келишигидаги отни ўзи боғланган феъл билан биргаликда кўчиринг.

Ёшлар, сиз билимлар ... пухта эгаллангиз! Биз ўз Ватанимиз... севамиз. Ётиш олдидан тишинг... юв! Мен ҳар кунги газета... ўқийман. Акам мусиқа мактаби... тамомлади. Биз дўстлик... дилдан ардоқлаймиз.



3. Нуқталар ўрнига қавс ичидаги қўшимчалардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг.

Қуёш... (-нинг, -ни) ўткир нурлари қорлар... (-нинг, -ни) эритди. Қўнғироқ... (-нинг, -ни) жаранглаган овози ўқувчилар... (-нинг, -ни) синфга чақирди. Турғун китоб (-нинг, -ни) қўлидан қўймайди. У

китоб (-нинг, -ни) қадрига етади. Салима (-нинг, -ни) опаси (-нинг, -ни) кўрдим.



4. Матни ўқинг. Қаратқич ва тушум келишигидаги отларни аниқланг.

Мозаика санъати

Кичкина, рангли тош, сопол ва шиша бўлакларини териб, чиройли суратлар яратиш мозаика санъати дейилади. Бу санъат 6 минг йиллик тарихга эга. Ҳозирги Сурия ҳудудидаги энг қадимги бинолар деворлари рангли сопол бўлаклари билан безатилган. Мозаика санъатининг энг моҳир усталари мусулмонлар ҳисобланган. Масжид ва мадрасаларнинг деворларини мозаика билан безашда уларга етадигани бўлмаган. Масалан, Самарқанддаги Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасаларида мозаика санъатининг нодир намуналарини учратиш мумкин.




Қаратқич ва тушум келишигидаги отларни ўзи боғланган сўз билан ёзинг.




5. Шеърни ўқинг. Ёддан ёзинг.

Алдаманг

Кўзингни юм, укажон,
Бир ҳовуч қанд бераман.
Ухлаб қолсам, акажон,
Қандни қандай кўраман.





Жўналиш келишигидаги отлар



1. Ўқинг. Жўналиш келишигидаги отларни ўзи боғланган сўзлар билан кўчиринг.

Одобли бўлинг!

Трамвай ва автобусларда ўзингиздан катта кишиларга жой беринг. Ҳар куни эрталаб ота-онангизга салом беринг. Катталарнинг гапига аралашманг. Укаларингизга ғамхўр бўлинг.

Ёдда сақланг!

Жўналиш келишигидаги от кимга? нимага? қаерга? сўроқларидан бирига жавоб бўлади, гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.



2. Мақолларни ўқинг. Жўналиш келишигида келган отларни кўчиринг.

Қолган ишга қор ёғар. Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда бўл. Одамнинг юзига боқма, сўзига боқ. Қочоққа шафқат йўқ, қўрқоққа ҳурмат.



3. Шеърни ўқинг. Ажратиб берилган сўзлардаги келишик қўшимчаларининг ёзилишига эътибор беринг.

Чиндан дарс, ўқиш, ғайрат
Етказар ҳар тилакка.
Ташлагин дадил қадам
Яшнаган келажакка.

Уйғун

Ёдда тутинг!

Жўналиш келишигининг қўшимчаси жарангсиз ундош товушлардан сўнг *-ка* эшитилса ҳам, *-га* ёзилади: Мен китобни Шавкатга (кимга?) олдим. Комил синфга (қаерга?) кирди.

Жўналиш келишиги қўшимчаси охири к ундоши билан тугаган отларга *-ка*, охири қ ундоши билан тугаган отларга *-қа* тарзида қўшилади.

Масалан: Эртакка, юракка, қирғоққа.




4. Нуқталар ўрнига жўналиш келишиги қўшимчаларини қўйиб, сўзларни кўчиринг.

Боғ..., янтоқ..., грамм..., нон..., этак..., нок..., булоқ..., чаноқ..., тупроқ..., оғиз..., иттифоқ..., идрок....

5. Топишмоқни ўқинг ва жавобини топинг.

Ўсар кўкка бўй чўзиб,
Қулочдай баргин ёзиб.
Хипча бел, заррин соқол,
Тишлари зич, дур мисол.





Ўрин-пайт келишигидаги отлар



1. Шеърни ўқинг. Ажратиб берилган отларга сўроқ беринг ва қайси келишикда келганини айтинг.

Бир туйғу бор дунёда,
Ҳеч ерда сотилмас – ул.
Ҳар нарсадан зиёда,
Юртга қўйилган кўнгил!

Ёдда тутинг!

Ўрин-пайт келишигидаги от *кимда? нимада? қаерда? қачон?* сўроқларидан бирига жавоб бўлади, гапда феълга боғланиб иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.

Ўрин-пайт келишигининг қўшимчаси жарангсиз ундошлардан сўнг *-та* айтилса ҳам, ҳар вақт *-да* шаклида ёзилади. Олтин ўтда (нимада?), одам меҳнатда (нимада?) билинар. (Мақол). Суръатда (кимда?) қизиқ китоблар кўп.



2. Матни ўқинг. Ўрин-пайт келишигидаги отларни ўзи боғланган сўз билан кўчириб ёзинг.

Код нима?

Код бирор сўз, рақам, белги ва товуш шаклида бўлиши мумкин. Код аниқ ва ишончли бўлиши шарт. Кўп жиҳати билан кодлар калитга ўхшаб кетади. Чунки у билан эшиклар – қулфлар очилади. Коднинг вазифаси ҳам махфий, яъни қулфланган нарсани очишдан иборат. Коднинг афзаллиги шундаки, уни қўлда кўтариб юриш шарт эмас. У фақат хотирада сақланади. Масалан, ота-онангизнинг код билан ҳимояланган пластик карточкаларини ишлатиш учун уларнинг коди хотирангизда бўлиши керак.



3. Нуқталар ўрнига ўрин-пайт келишиги қўшимчасини мосини қўйиб гапларни ўқинг ва ёзинг.


Узоқ ... арчазор ўрмон кўринди. Театр ... актёрлар, режиссёрлар, сухандонлар ва қўшиқчилар йиғилишди. Қиш ... ариқ, анҳор музлайди. Кутубхона ... шеърхонлик кечаси ўтказилди. Ўлкашунослик музейи ... миллий кийимлар кўрғазмаси бўлиб ўтди.



4. Ребусни ечинг. Ҳосил бўлган сўзларга ўрин-пайт қўшимчасини қўшиб айтинг. Улар иштирокида тўртта гап тузиб ёзинг.

бат дон п

тум ад





Чиқиш келишигидаги отлар



1. Ўқинг. Ажратиб берилган отларга сўроқ беринг. Қайси келишикда келганини айтинг.

Буви салом, дадамдан,
Сизга салом аямдан,
Атрофимда чуғурлаб
Салом айтяпти Ҳамдам.

Й. Сулаймон.

Ёдда сақланг!

Чиқиш келишигидаги от *кимдан? нимадан? қаердан?* сўроқларидан бирига жавоб бўлади; гапда феълга боғланиб, иккинчи даражали бўлак вазифасида келади. Чиқиш келишигининг кўшимчаси жарангсиз ундошлардан сўнг *-тан* бўлиб айтилса ҳам, ҳар вақт *-дан* шаклида ёзилади: *тошдан, шкафдан, шарқдан.*



2. Ўқинг чиқиш келишигидаги отларни аниқланг. Ажратиб кўрсатилган отларнинг айтилиши ва ёзилишидаги фарқни айтинг.

Ўқитувчи ўтган дарсни **Дилмуроддан** суради. Опам кеча **қишлоқдан** келди. Асал **қанддан** ширин. Эргаш **Шавкатдан** хат олди. **Вақтдан** тежамли фойдаланинг. Акам **Астанадан** самолётда келди.

Гапда феъл билан боғланган чиқиш келишигидаги отларни бирга кўчиринг.



3. Ўқинг. Нуқталар ўрнига чиқиш келишиги қўшимчасини қўйиб, мақолларни кўчиринг. Чиқиш келишигидаги отларнинг тагига чизинг.

Меҳнат... келса бойлик, турмушинг ҳам чиройлик. Меҳнат... дўст ортар. Ҳосилинг кам бўлса, ҳаво... кўрма. Яхши яхшига ёндашти-
рар, ёмон йўл... адаштирар. Билим билан ҳикмат – олтин... қиммат.
Қоқилсанг, тош... ўпкалама.




4. Матрни ўқинг. Чиқиш келишигидаги отларни аниқланг.

Энг қадимги қулфлар оддий ёғочдан ясалган. Кейинчалик, пўлат-
дан ишланган мустаҳкам қулфлар ихтиро қилинади. Энг яхши қулф-
лар мамлакат хазинаси эшиги ёки шаҳар дарвозасига осилган.



5. Тез айтишни тез-тез ўқинг.

Салим сумкасига патир солди
Салима сумкасидан атир олди.





Билимингизни синанг



1. Матни ўқинг. Бош келишидаги отларни аниқланг. Ўзи боғланган сўз билан айтинг.

Биласизми?

Куз келиб кунлар совий бошлагач, дастурхонимизда мандарин, лимон, апельсин каби мазали мевалар кўпайиб қолади. Биз уларни цитрус мевалар деб атаймиз. Цитрус мевалар ҳарорати мўътадил иқлимларда ўсади. Яъни лимон ва мандарин ўсадиган ўлкада доим ёз фаслидай иссиқ бўлади.



Цитрус мевалар жудаям шифобахш бўлиб шамоллашни тез даволайди. Аммо уларни кўп ейиш мумкин эмас. Чунки цитрус мевалар турли аллергия касалликларни қўзғатувчи восита ҳисобланади.

2. Қуйидаги отларни келишик қўшимчалари билан турланг.

Қанд, фарзанд, марварид.



3. Нуқталар ўрнига нарсанинг номини билдирган сўزلардан мосини қўйиб, сўزلарни ўқинг ва ёзинг.

- | | |
|----------------------|------------------------|
| ... оёқ кийими | ... транспортнинг тури |
| ... полиз экини | ... ёзув қуроли |
| ... уй-рўзғор асбоби | ... дурадгорлик асбоби |
| ... уй ҳайвони | ... қазилма бойлик |



4. Ажратиб берилган сўزلарни келишик қўшимчалари билан алмаштириб ўқинг.

Хатни қалам билан ёздим. Дехқонлар шийпон сари келдилар. Бу китобни укам учун олдим.




5. Савол биздан жавоб сиздан.

1. Қандай сўзлар от дейилади?
2. Отлар қандай сўроқларга жавоб бўлади?
3. *Қайси отлар ким? сўроғига, қайси отлар нима? сўроғига жавоб бўлади?*
4. Бирликдаги отлар қандай сўроққа жавоб бўлади? Кўпликдаги отлар-чи? Бу отлар бир-биридан қандай фарқ қилади? Уларга мисол келтиринг.
5. Қайси сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида отлар ҳосил бўлади?
6. Қандай отлар бош (катта) ҳарф билан ёзилади?



**6. Расмни кузатинг. Расм асосида ҳикоя тузинг.
Ҳикояга сарлавҳа танланг.**





Сифат – сўз туркуми



1. Ўқинг.

Матни ўқинг. Ажратиб берилган сўзларга сўроқ беринг.

Ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси, улуғ шоир Алишер Навоий жаҳон адабиётининг улкан сўз санъаткоридир. У ўз авлодларига, дунё халқларига беқиёс даражада **катта** адабий ва илмий мерос қолдирган. Унинг ҳар бир асари **маънавий** поклик, **фикрий** етуклик ва **бадий** юксакликнинг **буюк** намунаси сифатида ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Унинг асарлари кишилар қалбидан тобора **чуқур** жой олмоқда.

А. Ҳайитметов

Ёдда тутинг!

Шахс ва нарса буюм белгисини билдириб, қандай? ёки қанақа? сўроғига жавоб бўлган сўз сифат дейилади.

Сифатлар гапда отларга боғланиб келади: Биз **бахтли** болалармиз.
Режали иш бузилмас.



2. Ифодали ўқинг. Сифатларни аниқлаб, уларни ўзи боғланиб келган от билан биргаликда кўчиринг.

Қорли тоғлар, кенг водийлар,
Бошқачадир, кумуш далалар.
Яшил боғлар, кенг дарёлар
Ясангандир бугун ўзгача.



3. Расмда берилган нарсаларнинг белгисини билдирган сўзларни айтинг.





4. Ўқинг. Сифатларни аниқланг.

Қайси рангни ёқтирасиз?

Дунёда миллиондан ортиқ ранг бор. Уларнинг орасида оддий кўз билан кўриб бўлмайдиганлари ҳам талайгина. Биз энг асосий рангларнинг номини биламиз. Булар сариқ, қизил, оқ, яшил, кўк, қора, пушти, жигарранг каби ранглардир.

Буни қарангки, ранглар одамга таъсир ўтказиш хусусиятига ҳам эга экан. Қайси рангни ёқтиришингизга қараб, табиатингизни билиб олишингиз ҳам мумкин.

Сариқ. Энг ёрқин ранглардан бири. Бу ранг болаларни толиқтирмайди. Уни ёқтирадиганлар бироз ҳаёлпарастроқ, ижодий ишларга мойил бўлади.

Қизил. Болани серғайрат ва меҳнаткаш қилади. Бу рангни, одатда жаҳлдор болалар ёқтиришади.

Яшил. Бу рангни ёқтирадиганлар таъсирчан бўлишади. Салга хафа ёки хурсанд бўлишлари мумкин. Аммо улар жуда ҳам қатъийлидир.



Жигарранг. Бу рангни кам гап, ичимдагини топ дейдиганлар ёқтиришади. Аммо жуда ҳам зийрак ва ўткир хотира эгаси бўлишади.

Мовий. Тинчлантирувчи, мияни дам олдирувчи ранг. Бу рангни ёқтирадиган болалар одобли, ростгўй ва садоқатли бўлишади.

Оқ. Содда ва очиққўнгил болалар ёқтирадиган ранг. Бундайлар бошқа тенгдошлари билан осонгина чиқишиб кетишади.

“Ақлни чарҳловчи” китобидан

Ўзингиз ёқтирган рангни белгиланг. Шу ранг ҳақидаги гапларни кўчириб ёзинг.





Алишернинг ёшлиги

1. Ўқинг.

Шеърни ифодали ўқинг. Сифатларни аниқланг.

Ҳазрат Навоий бобом.

Сўз мулкининг султони,
Сўз мулкининг хоқони,
Адабиётнинг жони –
Ҳазрат Навоий бобом.
Туркий тилнинг илдизи,
Ҳикматли ҳар бир сўзи.
Узоқни кўрган кўзи,
Ҳазрат Навоий бобом.



2. Матни ўқинг.

Алишернинг ёшлиги

Алишер янги тахтачасини қўлтиғига қистирган, шод ва мағрур ҳолда отасининг олдида борар эди. Онаси уни ихлос билан чўмилтириб, покиза кийинтирган эди. Оппоқ салла, мулла ёқа кўйлак устидан енгил адрас тўн кийган, оёқларида этик.

Ғиёсиддинбек ҳам соддагина кийинган. Устида узун яктак, катта салла, оёғида махси-кавуш. Катта дастурхонга тугилган бир талай нон ва қатламани кўтариб кетар эди. Улар гузардан ўтганларидан сўнг мактаб кўринди. Алишернинг ҳаяжони тобора ошар эди.

Ғиёсиддинбек ўғлини етаклаб мактаб хонасига кирди. Алишерни домла ҳузурига етаклади. Шу кундан бошлаб, кичкина Алишер ҳар куни сабоқ олгани келар ва ўз ақл заковати билан ҳаммани лол қолдирар эди.

(Ойбекдан)

Матндан сифатларни топинг, ўзи боғланган сўз билан айтинг.
Матн бўйича саволлар тузинг.



3. Изланинг.

Интернет тармоқларидан Навоий бобомизнинг ҳикматларини топинг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



4. Ўқинг.

Сифатларни топиб, уларга сўроқ беринг.

Узоқдан бошига оқ дўпписини кийган, виқорли тоғлар кўринади.
Унинг чўққилари кўм-кўк осмон билан туташиб кетган. Кўкдаги
оппоқ булутлар тоғларга янада кўркамлик бахш этмоқда. Шарқдан
кўтарилаётган қуёш ўз нурлари билан унинг салобатини янада ошир-
моқда.


Кўчиринг, сифатларнинг тагига тўлқинли, шу сифатлар боғланиб келган
отларнинг тагига тўғри чизик чизинг.

Намуна: кўм-кўк осмон.



5. Қуйида келтирилган Алишер Навоий ҳикматларида энг муҳим сўзлар
тушиб қолган. Уларни топишга уриниб кўринг.

Билмагани сўраб ўрганган, орланиб сўрамаган ўзига золим.
Оз-оз ўрганиб бўлур, қатра-қатра йиғилиб бўлур.





Туб ва ясама сифатлар



1. Чап ва ўнг томонлардаги сўзларни ўқиб, уларга сўроқ қўйинг, ёзинг.

тиниқ
майин
баланд

мазали
кучли
хабардор

катта
тўғри
ширин

сувсиз
одобли
шоҳдор

Ёдда тутинг!

Сифатлар ҳосил бўлишига кўра туб ва ясама бўлади. Ўзакнинг ўзидан иборат бўлган сифатлар туб сифатлар дейилади.
Масалан: яхши, катта.



2. Отларга хос белгини билдирган сифатларни танлаб гапларни ўқинг ва ёзинг. Туб сифатларнинг тагига чизинг.

(зўр, қудратли) кран (вазмин, оғир) юкларни бемалол кўтаради.
(ёқимли, майин) шамол (кўк, яшил) япроқларни силкитди. (тор, кичик) уйга сиғмаган одам (кенг, катта) ҳовлига ҳам сиғмайди.



3. Ўқинг. Сифатларни топинг, нарсаларнинг белгисига кўра топишмоқларнинг жавобини айтинг.

Қоронғи жойда ип тўқиб,
Бир бурчакда яшайди.
Осмондаги ялтироқ
Юлдузчага ўхшайди.

Қўш қанотли нозик жон,
Йўқдир бирор ташвиши.
Қўшиқ айтар кун бўйи,
Сайр этмоқ фақат иши.

Тани йўл-йўл, хўп кучли,
Яқин борма, қўрқинчли.



4. Ўқинг. Сифатларни топиб сўроқ беринг.

Хўроз билан тулки

Ку-ку, ку-ку хўрозим,
Тожи тилло хўрозим.
Юзинг қизил олмадек,
Ота-бабақ хўрозим!

Деразадан қарай қол.
Мана нўхат, ола қол,
Мана машоқ ола қол!

Хўроз: “Бундай ёқимли ашулани айтаётган ким экан?” деб қизиқиб деразадан мўралабди. Тулки эса “хап” этиб уни тутибди-да, олиб қочибди



5. Эртақнинг давомини сўзлаб беринг.





Сифат ясовчи қўшимчалар

1. Ўқинг.

Етмиш тил соҳиби

Шом шаҳрининг амири ўз ҳузурига шу даврнинг ақлли, билимли, заковатли олим ва шоирларини тўплабди. У ал-Фаробийни синамоқчи бўлиб: “Ўз жойингни топиб ўтир”, – дебди. Ал-Фаробий тўғри амир тахтига бориб ўтирибди. Шунда амир вазирига нотаниш тилда:

– Бу турк одоблиликни билмас экан, – дебди.

Нотаниш тилни ҳам биладиган ал-Фаробий:

– Тақсир, мен етмиш тилни биламан, – дебди. Ноқулай вазиятда қолган амир ва халифалар: “Кечирингиз, сиз иккинчи устоз эканингизни билмабмиз”, – деб унга тан беришган экан.

Ажратиб берилган сифатларга сўроқ беринг ва ўзагини аниқланг.



2. Ўқинг. -ли, -дор, -сиз сўз ясовчи қўшимчалари ёрдамида ҳосил бўлган сифатларни аниқланг ва кўчиринг.

Режасиз иш – қолипсиз ғишт. Бобомлар мени эсли, ҳушли бўтам дерлар.

Зарбдор меҳнат қайнар
Баҳор, ёз, куз ва қишда.

Илём Муслим.

Ёдда тутинг!

Сўз асоси – ўзақларга сўз ясовчи -ли, -сиз, -дор қўшимчаларининг қўшилиши билан ясама сифатлар ҳосил қилинади.

Куч – кучли, мадор – мадорсиз бемор; хабар – хабардор чўпон.



3. Ўқинг. Отлардан сифатлар ҳосил қилинг, сўз ясовчи қўшимчаларни намунадагидек белгиланг.

Намуна: гул – гулли, сув – сувсиз, пул – пулдор.

маза –	нур –	ранг –
шира –	туз –	қарз –
ёғ –	сифат –	ҳосил –



4. Нуқталар ўрнига гап мазмунига мос сифат ясовчи қўшимчаларни қўшиб ўқинг.

Ғубор ... осмонда юлдузлар яна ҳам ёрқин эди. Жусса ... бола вазмин тошларни қийналмай кўтарарди. Жимжима ..., нақш ... айвон одамлар билан лиқ тўла, гавжум. Чидам..., бардош... ўқувчилар қунт билан билим оладилар.

Сифатларни отлар билан биргаликда кўчиринг, сифат ясовчи қўшимчаларнинг маъносига эътибор беринг.




5. Фикрланг.

Расмда нималарни кўряпсиз?



Сифатлардан фойдаланиб, аввал тулкининг, кейин қуённинг ташқи кўринишини оғзаки тасвирланг.





Одоблилик



1. Матни ўқинг. Сифатларни аниқланг.

Одоблилик

Бир юртнинг ёши улуғ доно кишиси иккинчи бир юртнинг бой одами билан суҳбатлашар эди. Шу пайт уларнинг ёнидан ўтиб кетаётган бир ғариб киши донога эгилиб салом берди. Бунга жавобан доно киши ҳам унга эгилиб салом берди. Шунда ёнидаги бой:

– Тақсир, шундай улуғ одам бўла туриб бир бечорага нега эгилиб салом бердингиз? – деб сўрабди. Шунда доно киши:

– Ҳеч қандай билим олмаган киши шунча эгилиб одоблиликни кўрсатганда менинг унга одобсиз бўлиб кўринишим нотўғри бўлар эди, – дебди.

Матн юзасидан саволлар тузинг.



2. Ўқинг. Кўчириб ёзинг. Сифатларни аниқланг, ясама сифатлар тагига чизинг.

Бир томони кенг ўтлоқ,
Бир томони қорли тоғ.
Гўзал ва нурли макон,
Менинг азиз қишлоғим.

Сафар Барноев



3. Нуқталар ўрнига сифатларга мос отлар қўйиб, уларни биргаликда кўчиринг. Сифатларга оғзаки сўроқ беринг.

Тор ..., кенг ..., баланд ..., нордон ..., қора ..., оқ ..., паст ..., ширин..., аччиқ, чиройли

Фойдаланиш учун сўзлар: йўл, кўча, уй, девор, беҳи, нок, қалам, қоғоз, олма, куйлак.



4. Расмга қаранг. Нималарни кўряпсиз?




Суратлардан фойдаланиб ҳайвонларни оғзаки тасвирланг.



5. Матни ўқинг. Дўстингиз билан муҳокама қилинг.

Одоб нима?

Расул ва Санжар югуриб кетаётган эдилар. Шу пайт кичкинтой Илёс уларнинг ёнгинасида, ўйнаётган ерида йиқилиб тушди. Расул индамай унинг ёнидан ўтиб кетди. Санжар эса югуриб бориб, Илёснинг туришига ёрдам берди. Айтинг-чи, болажонлар бу ерда одобли бола ким? Расулми ёки Санжар?





Маънодош сифатлар



1. Гапларни ўқинг. Ажратиб берилган сифатларнинг маъносини тунтиринг. Уларга сўроқ беринг.

Шаҳримизда кўркем, чиройли бинолар қурилмоқда. Ватанимиз чегараларини зийрак ва ҳушёр чегарачилар қўриқлайди. Эрталабгача атрофни оппоқ, юмшоқ, момик қор қоплади.

Ёдда тутинг.

Айтилиши ва ёзилиши ҳар хил, лекин маъноси бир-бирига яқин сифатлар, *маънодош сифатлар* дейилади.
Масалан: жасур, ботир, кўркемас.



2. Қуйидаги чизмалар ўрнига маънодош сифатлар топинг. Уларни бирикма шаклида ёзинг.

шабада

бино



3. Шеърни ўқинг. Маънодош сифатларни аниқланг.

Китоб

Денгизга ўхшар китоб.
Тубида дур, жавоҳир.
Уни қидирган борки,
Юзларида нур зоҳир.

Конга ўхшайди китоб,
Бағри беҳисоб бойлик.
Бу бойликни қидирган
Қалблар гўзал, чиройлик.

Набижон Қодиров



4. Матни ўқинг. Маънодош сифатларни топинг. Маъноларини тушунтиринг.

Билиб қўйган яхши

Ибн Сино айтадики, яхши дўст орттирган киши соғлом бўлиши ва узоқ яшаши мумкин. Соғлом узоқ умр кечириш учун зарурий нарсалардан бири инсоннинг руҳан тиниқ бўлишидир, дейди у. Бунинг учун эса, ширинсуҳан, доно, шинаванда, одамларга яқинлашишни маслаҳат беради. Негаки, иғвогар, ғийбатчи, юзсиз, мунофиқ, калондимоғ, ҳасадгўй, худбин, хасис, писмиқ, фирибгар, адоватли шахсларнинг суҳбати лойқа сувга ўхшайди. Тиндириб ичилганда ҳам барибир ифлос бўлади. Жоҳил ва нодон одамга яқинлашсанг, асабингни бузади, дилозорлик қилади, натижада соғлиққа путур етади.




5. Матн асосида дўстларингиз билан постер тайёрланг.




6. Мақолларни ўқинг, ажратиб берилган сўзларга маънодош сифатлар топинг.

Аҳмоқнинг кулгуси кўп,
Ялқовнинг уйқуси.

Нодон қошиб гапирар,
Доно тошиб гапирар.





Зид маъноли сифатлар



1. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг. Ажратиб берилган сифатларга сўроқ беринг ва маъноларини таққосланг.

Ёмон гап – бош қозиғи,
Яхши гап – жон озиғи.

Илиқ сўз – шакар,
Совуқ сўз – заҳар.

Ёдда тутинг!

Маънолари бир-бирига қарама-қарши бўлган сифатлар зид маъноли сифатлар дейилади. Зид маъноли сифатлар орасига чизиқча қўйиб ёзилади.

Масалан: узун-қисқа, паст-баланд, яхши-ёмон.



2. Берилган сифатларга қарама-қарши маъноли сифатлар танлаб, намунадагидек ёзинг.

Рост, кекса, оқ, қўрқоқ, узун, очиқ, баланд, яхши.

Намуна: рост-ёлғон.



3. Сўз бирикмаларини ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўз бирикмалари билан гап тузинг. Тузган гапларингизни ёзиб, сифатнинг тагига тўлқинли, отнинг тагига тўғри чизиқ чизинг.

Оппоқ қор, қалин қор, қанотли дўстлар, кўм-кўк арча, мусаффо ҳаво, қизиқ ўйинлар, гўзал фасл, кул ранг қуёнлар.



4. **Шеърни ўқинг.** Ажратиб берилган сифатга зид маъноли сифат топинг. Улар иштирокида иккита гап тузиб ёзинг.

Сур булут, ранги **совуқ**, тўлар осмон,
Далани қучоғига босар туман.
Тўйганданми, билмайман, тўнганданми
Уюр-уюр йилқилар чопар ҳар ён.

Абай



5. **Матнни ўқинг.**

Қадимда шаҳарлар узун ва баланд деворлар билан ўраб олинарди. Бу душман ҳужуми вақтида шаҳар аҳолисининг хавфсизлиги учун зарур ҳисобланган. Яна майдони кичикроқ, аммо мустаҳкам девор ва минорали қалъалар ҳам қурилган. Бундай қалъаларда, асосан подшоҳ ва сарой амалдорлари яшаган. Уларнинг улкан дарвозаларини соқчилар тун-у кун қўриқлаган.




Матндан сифатларни аниқланг ва уларга зид маъноли сифатлар топинг.



6. **Тез айтишни тез-тез айтинг.**

Велосипедчи велосипедини велодромда визиллатди.





Сифатларнинг имлоси



1. Ўқинг. Сифатларни аниқланг. Ажратиб кўрсатилган сифатларнинг ёзилишини тушунтиринг.

Ўтлоқ **ям-яшил** арчалар билан қопланган. Мевазорнинг бўйини бир қарич **кўм-кўк** беда қоплаган. **Тип-тиниқ** осмонда каптарлар чарх уриб учишмоқда. Ой **қоп-қоронғи** кечани ёритиб турарди.

Гапларни кўчириб, сифатларнинг тагига чизинг.

Ёдда тутинг!

Ям-яшил, қоп-қора, тип-тиниқ каби сифатлар **чи-зиқча** билан ёзилади. **Оппоқ** сифати **қўшиб** ёзилади.



2. Ўқинг. Нуқталар ўрнига берилган сифатлардан гапнинг мазмунига мосини қўйиб, матнни ўқинг. Сифатларни аниқлаб, ўзи боғланган сўз билан биргаликда кўчиринг.

Қиш

Қиш ҳам ... фаслдир. Қишда дала ва қирлар ... чойшабга ўралади. Дарахтлар ... кийимида худди хаёл суриб тургандек туюлади. Қишнинг ..., ... ҳавоси кишига ўзгача ором беради. Киши қанча нафас олса ҳам тўймайди. Қишда болалар ... ўйинлар ўйнаб қувонадилар.



Қўйиш учун сўзлар: гўзал, чиройли, кўркам; оқ, оппоқ; мусаффо, соф, ёқимли, оромбахш; қизиқ, қувноқ, шўх.



3. Шеърни ифодали ўқинг. Сифатларни аниқланг.

Одамийлик – бурчинг

Одамийлик бурчинг, –
 Халқингга хизмат қил.
 Оқ йўлдан адашмай
 Орингни сақла, уни бил.
 Билим билан ҳунар
 Ўрган қунт билан.
 Билимсиз, ҳунарсиз
 Ақлинг бўлар тул.

Шакарим Қудайбердиўгли.



4. Берилган сифатларга яқин маъноли сифатлар танлаб, намунадагидек ёзинг.

Кўркам, сезгир, озғин, катта, соф, чаққон, чиройли, қотма, эпчил, зийрак, тоза, улкан, қувноқ, шод, ялқов, жасур, хурсанд, қаҳрамон, дангаса, пишиқ, дағал, силлиқ, равшан, тиниқ.

Намуна: кўркам, чиройли; сезгир, зийрак.




5. Шеърни ўқинг ва ёддан ёзинг.

Мазза экан

Оппоқ қордир	Қиш ҳавоси
Ўнгу сўлим,	Тоза экан.
Завққа тўла	Қор ўйини
Юрган йўлим.	Мазза экан.

Анвар Қурбон





1. Ўқинг. Ўғитларни ўқинг мазмунини тушунтиринг. Сифатларни аниқланг ва сўроқ беринг.

Чин дўст улдирким, дўстидан ранжимамайди. Ранжиса ҳам узрини қабул қилади. Содиқ ва вафодор дўст улки, ўз дўстидан ранжимамайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.



2. Ўқинг. Сифатларни ўзи боғланган сўз билан кўчириб ёзинг.

Амир Темур буюк давлатга асос солган. У бунёдкор, илм-фан ҳомийси ва кучли саркарда бўлган. Зукко ва донишманд Амир Темур бетакрор сиймодир.



3. Расмлардаги ҳайвонларнинг сифатларини намунадагидек ёзинг.



Намуна: йиртқич бўри,



5. Берилган сифатларга мос отлар танлаб ёзинг.

Кенг кўча, ..., ..., ...
Баланд тоғ, ..., ..., ...
Ажойиб иш, ..., ..., ...
Катта йўл, ..., ..., ...
Ўткир пичоқ, ..., ..., ...
Қалин ўртоқ, ..., ..., ...

6. Нарсаларнинг белгисига кўра топишмоқларнинг жавобларини топинг.

1. Пак – пакана бўйи бор,
Етти қават тўни бор.
2. Дум – думалоқ жажжи ой,
Чақиб есанг ғиж – ғиж мой.
3. Маржон – маржон юмалоқ,
Япроқлари шапалоқ,
Қора, қизил, сариқ, оқ.
Еб кўрмасдан ўйлаб боқ.



4. Нуқталар ўрнига шу сифатлардан мосини танлаб ёзинг.

Ранг – тус: қизил, ..., ... ,
Ҳажм – шакл: япалоқ, ... , ... ,
Маза – таъм: ширин, ... , ... ,
Хил – хусусият: чаққон, ... , ... ,





Сифатларнинг гапдаги вазифаси



1. Матнни ўқинг. Сифатларни аниқланг, уларнинг гапдаги вазифасини айтинг.

Кексалик – донолик

Ҳақиқатан ҳам, кексалар жуда доно бўлишади. Чунки улар умри давомида кўп нарсаларни кўриб-билиб, керакли хулосалар чиқарадилар. Халқимиз кексаларни эъзозлаб: “Қариси бор уйнинг - фариштаси бор” ёки “Қари билганни – пари билмас” мақолларини яратган. Бу мақолларда чуқур маъно бор: қариялар бор уй файзли бўлади, чунки улар ёшларга йўл – йўриқ кўрсатиб, тўғри йўлга бошлайди.

Сифатларни ўзи боғланган от билан билан биргаликда ёзинг.



Ёдда тутинг!

Сифат сўз туркуми от билан боғланиб, гапда иккинчи даражали бўлак ва кесим вазифасида келади.



2. Шеърни ифодали ўқинг. Сифатларни аниқланг, гапдаги вазифасини айтинг.

Бир азиз бобом бор дунёда танҳо,
Хуштабиат, хушқомат, мулойим, доно,
Кўнглининг кенглиги ер, курра, осмон.
Кўзлари нуроний ойнаи жаҳон.

Қ. Муҳаммадий .



3. Ўқинг. Нуқталар ўрнига берилган сифатлардан мосини қўйиб, матнни ўқинг.

.... шамол дарахтлар шоҳини синдириб юборгудай силкиб, кўчаларда тўзон кўтарди. Осмонда булутлар шитоб билан сузиб, ундан кейин момақалди роқ гумбурларди.

(Мирмуҳсин)

Қўйиш учун сўзлар: қорамтир, кучли.




4. Матнни ўқинг. Кўчиринг, сифатларни аниқлаб, гапдаги вазифасига кўра тагига чизинг.

Шаҳримиз катта ва обод. Унда чиройли бинолар, кўп қаватли уйлар ва ҳиёбонлар бор. Кўчалари кенг ва тоза. Биз гўзал шаҳримиз билан фаҳрланамиз.



5. Ўқинг. Нуқталар ўрнига сифат ясовчи қўшимчаларни қўйиб, мақолларни ўқинг.

1. Илм... бир яшар, илм... минг яшар.
2. Баҳор... ҳаракат – куз... баракат.





Аждодларимиз – фахримиз



1. Ўқинг.

Буюк аждодларимиз ҳақидаги билимларингизни текширинг. Ўнг ва чап томондаги айланаларни зарур тартибда бирлаштиринг.

Амир
Темур

Дунёга машҳур ҳақим ва олим.

Ибрай
Алтинсарин

Буюк давлат асосчиси

Алишер
Навоий

Буюк оқин, шоир

Абай

Шоирларнинг султони

Абу Али
Ибн Сино

Шоир, ёзувчи, педагог.



2. Шеърни ўқинг. Сифатларни аниқланг, ўзи боғланган сўз билан кўчириб ёзинг.

Бувижоним ўгити

Зукко, доно бувижоним,
Сўзи аъло бувижоним.
Доим билим ол дейди,
Яхши ўқиб қол дейди.
Бўлсанг ҳамки қаерда,
Одоб сақла ҳар ерда.
Юзимизни ёруғ қил
Бизга раҳмат олиб кел!
Бувижоним айтганин
Ҳеч ерда қилмай икки.
Яхши бола бўламан
Асло эшитмай дакки.

Захро Хасанова



3. Берилган таърифлар кимга тегишли эканини ёзинг.

Тиббиёт илми асосчиси –
 Шоҳ ва шоир –
 Биринчи қозоқ муаллими –
 Ғазал мулкининг султони –
 Буюк оқин –








4. Матнни ўқинг. Охирги гапни кўчириб ёзинг, сифатларнинг тагига чизинг.


Ахлоқ

Одоб ёки ахлоқ одамларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи билимдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини билдирувчидир. Ахлоқ инсонни тарбиялашга, поклашга ўргатади. Ўз айбини билиб, иқрор бўлиб ахлоқини тuzатишга ҳаракат қилган киши чинакам баҳодир, мард, паҳлавон кишидир.



5. Расм ёрдамида гапларни тўлдириб ёзинг.

Ойбек ширин  яхши кўради. Санобар ҳайвонот боғида чиройли  томоша қилди. Дадам бозордан катта  олиб келди. Дунёдаги энг ақлли ҳайвон  . Биз энциклопедиядан энг тез югурадиган ҳайвон  ҳақида ўқидик.





Билимингизни синанг



1. Ўқинг, саволларга жавоб беринг.

1. Қандай сўзлар сифат дейилади?
2. Сифатлар гапда қайси сўз туркуми билан боғланиб келади?
3. Сифат ясовчи қўшимчаларни айтинг.
4. Яқин маъноли ва қарама – қарши маъноли сифатларга мисоллар келтиринг.



2. Ўқинг. Сифатларни аниқланг.

Баҳор кунлари эди. Сахий қуёш оламга нур сочмоқда. Чаманзорда ҳар хил капалаклар учиб ўйнайди. Гул чечакларга қўниб, уларнинг ширин суюқликлари билан овқатланади.

Мана, оқ гулга оқ капалак, қизил гулга ола-була капалак, сариқ гулга сариқ капалак қўнди. Узоқдан бир қушча учиб келди. У қизил гулдаги ола-була капалакни кўриб, уни осонгина тутиб олди.

Сифатларни ўзи боғланиб келган от билан биргаликда айтинг.



3. Сўзларни ўқинг. Қайси сўз туркумига хослигини айтинг. Шу сўзларни қатнаштириб гаплар тузинг.

От

Сифат





4. Шеърни ўқинг. Сифатларни топиб ёзинг.

Бизнинг азиз аждодлар


Бири-биридан улуғ,
Шаъни шавкатга тўлиқ.
Кўзлагани мангулик
Бизнинг азиз аждодлар.
Бири олим-уламо
Ечган не-не муаммо,
Илм бобида даҳо
Бизнинг азиз аждодлар.
Бири шоҳ-олам кезган,
Улуғ давлат – юрт тузган,
Ёвузлик уйин бузган
Бизнинг азиз аждодлар.
Мутафаккир шоирдир,
Шеъриятда моҳирдир.
Сўзлари жавоҳирдир,
Бизнинг азиз аждодлар.
Улар бизнинг фахримиз,
Меросин ўрганамиз.
Изларидан борамиз,
Бизнинг азиз аждодлар.

Мухтор Худойқулов



5. Мақолни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

Ўтганлардан ибрат ол,
Келажакка ибрат бўл.





Сон сўз туркуми



1. Ўқинг. Нарса буюмнинг саноғини билдирган сўзларни аниқланг.

Ёз чилласи қирқ кун – йигирма бешинчи июндан бешинчи августгача. “Уч оға-ини ботирлар” эртагидаги отанинг ўғитларини эсда тутинг. Битта кўк кит еттита вагонга юк бўлади. Биз учинчи синфда ўқиймиз. Алихоннинг онаси олтинчи болалар касалхонасида ишлайди.

Ёдда тутинг!

Шахс ва нарсанинг саноғини билдирган сўзлар сон дейилади. Сонлар нечта? нечанчи? қанча? сўроқларига жавоб бўлади. Масалан: ўнта дафтар, беш кун, еттинчи бола.



2. Шеърни ифодали ўқинг. Сонларни аниқланг.

Олти

Бешдан кейин – олтиман,
Иккита учни қўшсанг – бас.
Ҳеч қачон эсдан чиқмас
Ота-она, тўрт бола –
Олти одам – оила.
Олти ёшлик муборак.
Санаш учун мен керак!
Ёзишни лозим билмоқ:
Гўёки оддий илмоқ.

Мухтор Худойқулов



3. Мақолларни кўчиринг. Сонни билдирган сўзларни тагига чизинг.

Икки қуённи қувган бирини ҳам тутолмас,
Икки қўл қилган ишни бир қўл қилолмас.

Бир кун туз ичган жойга
Қирқ кун салом бер.

Бир кўнгил иморати –
Минг Макка зиёрати.

Бир кўрган-таниш,
Икки кўрмоқ-билиш.



4. Матнни ўқинг, сонни билдирган сўзларни топинг.

Улкан ва ақлли жонивор

Фил қуруқликдаги энг катта жонзотдир. Унинг ўртача вазни 5 тонна, узунлиги эса етти метр келади. Фил бир кунда 400 кг ўсимлик ва 300 литрдан кўп сувни кўрдим демайди. Фил жуда ҳам ақлли жонивор бўлиб, мияси нақ беш кг тош босади. Дунёдаги энг катта фил 1956 йилгача Анголада яшаган. Унинг оғирлиги 11 тонна келар эди.

Одамлар филни қадим замонлардан қўлга ўргата олишган. Илгари ўргатилган филлар қурилишга оғир юкларни кўтариб бериш билан, жангларда эса душман қўшинини яксон қилиш билан фойда келтирган.

Ёввойи филлар тўда-тўда бўлиб яшайди. Тўда аъзолари бир-бирини ҳимоя қилади, касал бўлиб қолганларга ғамхўрлик кўрсатади.





Саноқ сон



1. Ўқинг. Сонларни аниқланг. Сонлар қайси отлар билан боғланиб келганини аниқланг ва уларни ёнма-ён ёзинг.

1. Бир йигитга етмиш ҳунар оз.
2. Бир йил тут эксанг, юз йил гавҳар терасан.
3. Бир майизни қириқ киши бўлиб ер.
4. Бир киши ариқ қазир,
Минг киши сув ичар.



2. Ўқинг.

Ўртоқларим келишар:
Надим, Ҳабиб, Марҳабо.
Етса керак учта нон,
Тўрт пиёла мураббо.

Анвар Обиджон

Ўн арава келмоқда
Арпа-буғдой ортилган.
Уч арава оппоқ ун
Тегирмонда тортилган.

Илёс Муслим

Сонларни ўзи боғланган от билан биргаликда намунадагидек ёзинг.

Намуна: учта нон, ...



3. Топишмоқни ўқинг. Жавобини топинг.\

Бир қушим бор икки қанотли,
Бир қаноти оқ, иккинчи қаноти қора.

Ёдда тутинг!

Нечта? қанча? сўроқларига жавоб бўлган сонлар саноқ сонлар дейилади. Саноқ сонлар шахс, нарса-буюм ва ҳаракатнинг сонини билдиради.

Масалан: уч, еттита, эллик.



4. Нуқталар ўрнига саноқни билдирган сонларни қўйиб ўқинг ва ёзинг.

Йигит кишига ... ҳунар оз. Бир йил ... ой. Пак-пакана бўйи бор, ... қават тўни бор. Бизнинг оиламиз ... жондан иборат. Одамда ... оёқ, ... қўл бўлади.




5. Матрни ўқинг. Сонларни аниқланг.

Машҳур боксчи

Менинг яхши кўрадиган спортчим – Бекзат Саттарханов. У – боксчи. У йигирма ёшида олимпиада чемпиони бўлди. Бекзат Сиднейда ўтган олимпиадада олтин медалга сазовор бўлди. У Туркистон шахрида 1980 йил 4 апрелда туғилган. Мен Бекзатдай боксчи бўлгим келади.



Сиз яна қайси боксчиларни биласиз? Улар ҳақида маълумот тўпланг.





Шарқ юлдузи



1. Матни ўқинг.

Шарқ юлдузи

Алия Молдағулова жанг қилаётган батальон душман қуршовини бузиб олдинга чиқди. Жанг борган сари қизиборди. Фашистлар жонҳолатда устма-уст замбараклардан ўқ ёғдирди. Кўп ўтмай икки томон юзма-юз келиб қолди. Аёвсиз жанг қизиди. Алия чап қўлидан яраланганига қарамай ёв билан қошиқ қони қолгунча уришди. Бир вақт окопда ётган немис офицери ўн тўққиз яшар нав-ниҳол, жасур қиз Алиёга ташлаиб қолди. Алия уни бошидан ошириб улоқтириб ташлади. Автоматини олиб ёвни киришга шайланганда фашист Алиёни пистолет билан отиб қўйди.



Оғир жангда вафот этган Алиёни жанговор дўстлари “Шарқ юлдузи” деб аташди. Ботир, мерган қиз Алиё жанг майдонида бўлган қисқа вақт ичида юздан ортиқ фашистни ер тишлатди.

Ҳукумат Алиёнинг жанг майдонидаги жасоратини юқори баҳолаб, 1944 йил 4 июлда унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини берди. Қаҳрамон қиз Алиёнинг ботирлиги ҳеч қачон унутилмайди.



Сонларни аниқланг, ўзи боғланган сўз билан ўқинг.

2. Матн бўйича саволлар тузинг. Саволларда сон иштирок этсин.



3. Сон-топишмоқнинг жавобини айтинг: нечта қулоқ, нечта шох?

Учта эчки, тўртта қўй,
Қани, Эркин санаб кўр:
Нечта қулоқ, нечта шох
Бор экан-а айтиб боқ.

Облоқул Норматов



Сонларни отлар билан бирга ёнма-ён ёзинг.

4. Ўқинг. Нарсаларни саноғини, тартибини билдирган сонларни аниқлаб, намунадагидек ёзинг.

Олтита қалам, бешинчи уй, қирқ кун, учинчи касалхона, минг бир кеча, йигирманчи йил, икки қатор, ўн еттинчи саҳифа, эллик йил, юзта машина.

Намуна: саноқ сонлар – қирқ кун, ...

Тартиб сонлар – бешинчи уй, ...



5. Расмга қаранг. Гаплар тузинг ва ёзинг. Сонларни тагига чизинг.



6. Мақолни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Мард майдонда билинар.





Тартиб сон



1. Чап ва ўнг томондаги сонларни ўқинг. Улардаги фарқни айтинг.

Икки қатор
Учта бола
Ўнта устун
Беш ёнғоқ
Битта синф

иккинчи қатор
учинчи бола
ўнинчи устун
бешинчи ёнғоқ
биринчи синф

Ёдда тутинг!

Нечанчи? қанчанчи? сўроғига жавоб бўлган сон тартиб сон дейлади. Тартиб сонлар шахс, нарса-буюм ҳаракатининг тартибини, тартиб ўрнини билдиради. Тартиб сонлар санок сон ўзагига -инчи, -нчи қўшимчаларни қўшиш билан ҳосил бўлади. Масалан: ўнинчи, олтинчи.



2. Берилган тартиб сонлар иштирокида гаплар тузиб ёзинг.

Ўнинчи, олтинчи, юзинчи, йигирма биринчи, элтигинчи, еттинчи, ўн бешинчи, йигирма саккизинчи, иккинчи, бешинчи, ўттизинчи, ўн еттинчи.



3. Расмни кузатинг. Оғзаки матн тузинг ва сонларни билдирган сўзларни айтинг. Уларнинг қандай сўроққа жавоб бўлганини аниқланг.





4. Қуйидаги тартиб сонларни саноқ сонга айлантириб ёзинг.

Биринчи уй, саккизинчи автобус, еттинчи қайиқ, ўн бешинчи қатор, йигирма бешинчи ўрин, иккинчи телевизор, биринчи космонавт.



5. Матнни ўқинг. Тартиб сонларни аниқланг.

Музқаймоқ тарихи.

Музқаймоқ қадимий ширинликлардан бири. Музқаймоқлар бундан тўрт минг йил олдин ҳам истеъмол қилинган, дейишади тарихчилар. Албатта, қадимги музқаймоқлар ҳозиргилардан фарқли бўлган. Масалан, Хитой ҳукумдорлари оддий қор ёки музда лимон, апельсин, анор доналарни аралаштириб тайёрлашган ширинликни хуш кўришган. Қадимги римликлар эса музлатилган сут, қаймоқ ва шарбатларни истеъмол қилишган экан.





Ҳозирги музқаймоқларнинг илк кўринишини 1649 йили француз ошпази Жерар Тирсен ўйлаб топган. Лекин 1782 йилга келибгина Тирсен рецепти асосида музқаймоқ тайёрлаб сотиладиган илк қаҳвахона очилади. Бу қаҳвахона ҳозирда ҳам ишлаб турибди.



6. Изланайлик.

Музқаймоқ тайёрлаш учун қандай масаллиқлар керак? Музқаймоқнинг фойдали ва зарарли томонларини айтинг.





Сонларнинг ёзилиши



1. Ўқинг. Сонларнинг ёзилишига эътибор беринг.

Май ойи 31 кун. 16 декабрь – Мустақиллик куни. Қурка товуққа 11 тухум қўйдик. 21-куни бирин-кетин тўққизта жўжа очиб чиқди. Ҳозир 21-аср.

Саноқ ва тартиб сонларни сўз билан ёзиб, гапларни кўчиринг.

Ёдда тутинг!

Сонлар айтилади ва ёзилади. Сонлар икки хил ёзилади.

Ҳарфлар билан: уч соат, беш киши.

Рақам билан: 3 соат, 5 киши.

Тартиб сонлар рақам билан ёзилганда *-инчи*, *-нчи* қўшимчаси ўрнида чизиқча (-) ишлатилади, айрим ҳолларда чизиқча қўйилмайди.

Масалан: 3-синф, 2017 йил, IV синф.



2. Умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган саналар номларини ва қандай байрам қилинишини айтинг ва ёзинг.



3. Рақам билан берилган саноқ сонларни тартиб сонларга айлантириб, сўз билан ёзинг.

6-қават, 4-уй, 20 бет, 2 кўз, 6 қатор, 26 кун, 5 бармоқ, 4 қадам, 8-синф.

Тартиб сонлардан қатнаштириб, 2-3 та гап тузинг ва ёзинг. Сонларнинг тагига тўлқинли чизиқ чизинг.



4. Ўқинг. Сонларни аниқланг. Уларнинг ёзилишига эътибор беринг.

Ҳайвонотлар боғида

Беда кемтир қуёнлар.
Қирғовулар сайр қилиб
Хотиржам юрар донлаб.
Элликта эрур боши
Бир юз қирқта оёғи.
Қанча қуён, қирғовул,
Топинг, ўғлим, буёғин.

Турсунбой Адашбаев


Сонларни бадий асарларда сўз-ҳарф билан ёзилишини эсда тутинг.




5. Матни ўқинг. Сонларни аниқланг. Саноқ сонларни тартиб сонга айлантириб айтинг.

Ўқувчилар саройи.

2011 йили Астанада Ўқувчилар саройи очилди. У тўрт қаватли. 842 хонадан иборат. Унда 137 тўгарак ишлайди. Тўгаракка шаҳар ўқувчилари қатнашади. Ўқувчилар саройидаги сузиш, фигурали учиш, хоккей, енгил атлетика, каратэ, дзюдо, чет тили, қўл меҳнати, рақс, мусиқа каби тўгараклар ўқувчилар билан гавжум бўлади.





Донолар бисотидан



1. Ҳикматли сўзларни ўқинг. Сонларни аниқланг.

Бўлса бир ҳунаринг, агар юз айбинг,
Дўст наздида ҳунар ёпар юз айбинг.

Сағдий Шерозий

Билаги зўр бирни йиқар,
Билими зўр – мингни.

Амир Темур

Оз-оз ўрганиб доно бўлур
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур

Алишер Навоий



2. Матни ўқинг.

Ҳотами Тойи

Ҳотами Тойидан: “Ўзингиздан кўра сахийроқ бирор одамни кўрган ёки эшитганмисиз?” – деб сўрабдилар. Ҳотами Тойи бундай одамни кўрганлигини сўзлаб берди. Бир куни у араб амирларини чақириб зиёфат қилибди. Зиёфат учун қирқ туя сўйдирибди. Бир зарурат билан саҳрога чиқишига тўғри келибди. У ерда чўп-чўмак териб дасталаётган ўтинчини кўрибди. У ўтинчидан Ҳотамнинг уйига нима сабабдан бормаганлигини сўрабди ва ҳозир бир талай одам унинг зиёфат дастурхони атрофида ўлтирганини сўзлабди. Ўтинчи жавоб берибди:

– Ўз меҳнатидан нон еган киши

Ҳотам миннатидан озод ёз-қиши.

Ҳотам ана шу ўтинчини ўзидан кўра саховатлироқ деб билибди.

Сонларни аниқлаб ўзи боғланган сўз билан ёзинг.

Матн бўйича саволлар тузинг.



3. Шеърни ўқинг. Ёддан ёзинг. Сонларни ҳарфлар билан ифодаланг.

Боғда ўсар 10 та нок,
5 та олма, 5 та ток.
Экдик 15 олхўри,
Қанча бўлади бари.

(“Гулхан”дан)



4. Мақолларни ўқинг, маъносини тушунтиринг.

Сўздан сўзнинг фарқи бор, 32 нархи бор. Товуқ етти хазинанинг бири. Еридан айрилган 7 йил йиғлар, элидан айрилган ўлгунча йиғлар. Санамай 8 дема. Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг 100 ҳайда.

Мақолларни кўчиринг. Рақамларни ҳарфий ифода билан ёзинг, мақолларда соннинг қайси тури берилган?




5. Нуқталар ўрнига зарур сўзларни мосини қўйиб ўқинг.

Нечта?	қанча?	нечанчи?
Бир	битта	биринчи

Қуйиш учун сўзлар: икки, уч, тўрт, беш, етмиш, тўртта, олтита, етмишта, учинчи, саккизинчи, бешта, олтинчи, ўнинчи, ўттизта, юзинчи.





Сонларнинг рақамлар билан ифодаланиши



1. Гапларни ўқинг. Сонни билдирган сўзларни рақам билан ёзинг.

Уч ой қиш халқ тилида тўқсон дейилади. Қиш чилласи қирқ кун давом этади. Декабрьнинг йигирма бешинчи кунидан бошланади. Бешинчи февралда тамомланади. Бу давр қишнинг энг совуқ кунлари бўлади.

2. Қуйидаги араб рақамларининг ёзилишини билиб олинг.

0,1,2,3,4,5,6,7,8,9.

Рақамларни сўз билан ёзинг.



3. Қуйидаги сўзларни араб рақамлари билан ёзинг.

Саккизинчи март, иккинчи ўрин, уч тонна ун, юз килограмм буғдой, икки минг учинчи йил, йигирма беш йил, еттинчи аср, биринчи гуруҳ.

Намуна: 8-март



4. Расмда берилган рақамларни айтинг. Улар билан қандай сонлар туза оласиз? Шу сонларни ёзинг.





5. Матни ўқинг. Сонларни топиб ёзинг.

Компас


Қуруқликда ҳам, денгизда ҳам аниқ сафар йўлини тузиш учун инсон ўз турган жойини борича тўғрироқ аниқлаши лозим. Қадимда жасур саёҳатчилар фақат қуёш ва юлдузларнинг жойлашувига асосланиб узок сафарларга йўл олишган. Катта географик ихтиролар эса махсус навигацион ускуналардан фойдаланган ҳолда амалга ошган.



Бундай ускуналарнинг энг машҳури компасдир. У Хитойда 2000 йил аввал ихтиро қилинган. Хитой компасидаги магнит пластинкали темирча биз учун одатий бўлган шимолга эмас, балки жанубга ишора қиларди. Шунинг учун ҳам Хитойда ускунани “Жануб кўрсатувчи” деб номлашган. XII асрда таниқли италиялик саёҳатчи Марко Поло компасни Европага олиб келди. Тез орада европаликлар бу фойдали буюмни ўзлари яшани ўрганиб олганлар.

Бизнинг кунимизгача етиб келган компас кўринишини XIV асрда италиялик Флавио Жойя яратган. 32 та бўлимга бўлинган диск яратилиб, унинг марказига ўткир учли темирча маҳкамланган. Унда ернинг магнит майдони таъсирида бир учи билан шимолга, бошқаси билан эса жанубга ишора қиладиган магнитланган кўрсаткич эркин айланади.

(Болалар энциклопедиясидан)





1. Саволларни ўқинг ва жавоб беринг.

1. Сонлар шахс-нарсанинг нимасини билдиради?
2. Сон қайси сўроқларга жавоб бўлади?
3. Сонлар ёзувда қандай ифодаланади? Мисоллар келтиринг.
4. Тартиб сонлар санок сонларга қайси қўшимчани қўйиш билан ҳосил қилинади?
5. Ёзувда тартиб сонларни ҳосил қилувчи қўшимча ўрнида нимани ишлатиш мумкин?
6. Сонлар гапда қандай бўлак вазифасида келади?



2. Матнни ўқинг. Сонларни аниқланг.

Фойдали жонивор

Сигирни энг кўп фойда келтирадиган уй ҳайвони дейиш мумкин. Чунки сигир сути ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларни ҳаммамиз ҳам севиб истеъмол қиламиз-да. Биргина сигир сутидан қаймоқ, қатик, сариёғ, пишлоқ, сузма, творог, бринза ва ўнлаб турдаги маҳсулотлар тайёрланади. Яна, сутсиз турли ширинлик ва пишириқларни тасаввур қилиб бўлмайди. Бундан ташқари сигирлар жуда беозор жонивор бўлишади.



Одамлар сигирни уй ҳайвони сифатида боқиб келаётганига 8 минг йилдан ошди. Сигир энг кўп тарқалган сут эмизувчи ҳайвондир. Ҳозирда дунё бўйлаб тахминан 1,5 миллиарддан ортиқ сигир боқилади.

Сигирлар ўртача 20 йил умр кўради. Умри давомида тахминан 50 минг литр сут беради.



3. Матн юзасидан постер тайёрланг.



4. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг. Сонларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг. Сонлар нимани билдирапти?

1. Етмиш отнинг кучи бор,
Оёғида тиши бор.
Чарчаш нима билмайди,
Далада юмуши бор.
2. Ўн бармоқли узун қўл
Хашак тўплар у нуқул.
3. Беш жуфт ошна,
Ишга ташна.



5. Сўзларни ўқинг. Қайси сўз туркумига тегишли эканини аниқланг. Намунадагидек ёзинг.

Ҳамроҳ, етти, қизил, металл, меҳрибон, космонавт, раҳмдил, ҳашак, зийрак, минг, шахмат, улуғ, юз икки, чойшаб, даҳшатли, эскалатор, дастёр, етмиш етти, хирмон, аянчли, чумчуқ, миллион, қирқ, саксон, алвон, мовий, катта.

Намуна:

От: ҳамроҳ, ...


Сифат: қизил, ...


Сон: ўн, ...



6. Тез айтишни тез-тез ўқинг.

Тилим-тилим тилла қовуннинг тўрт тилими тилимни тилди.





Феъл – сўз туркуми



1. Ўқинг.

Шифокор беморни (нима қилди?) даволади. Қор тинмай (нима қиляпти?) ёғяпти. Қушлар дон (нима қилади?) излайди.

Ажратилган сўзлар нимани билдирыпти? Улар қайси сўроқларга жавоб бўляпти?



2. Шеърни ифодали ўқинг.

Баҳор келди-ё

Кулди лолақизғалдоқ,
Баҳор келди-ё.
Яшнаб кетди ҳамма ёқ,
Қирлар кулди-ё.
Гуллар, менинг гулларим,
Гулга тўлар йўлларим.
Ариқ куйлар шилдираб,
Ўйнар япроқлар.
Қушлар сайрар чулдираб,
Тинглар ирмоқлар.
Қушлар, келинг, қушларжон,
Меҳрим сизга бир жаҳон.



Сафо Очил

Шеърдаги феълларни кўчириб ёзинг.



3. Ўқинг. Сўроқ бериб феълларни аниқланг.

Қушлар дарахтга қўнди. Ўқувчилар кеча саёҳатга бордилар. Акам заводда ишляпти. Мен 3-синфда ўқияпман. Тикувчи тикади. Тўқувчи тўқийди.

Гапларни кўчиринг. Феълларни тагига чизинг.



4. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг.

Инсон ажойиб техника яратди. Қудратли техника уни коинотга кўтарди. Одам техника туфайли денгиз тубига ҳам тушди. Техника кишилар юмушини енгиллаштирди.

Қайси сўзлар шахс ва нарсанинг ҳаракатини билдирыпти? Матнни ёзинг. Феълнинг тагига икки чизиқ чизинг.




5. Топишмоқни ўқиб жавобини топинг.


Гилдираксиз паровоз,
Паровозки жуда соз.
Денгизларда сузади,
Балиқлардан ўзади.

Дарахтда тўқ қизил,
Бир олма пишди.
Иккига ажратсам,
Мунчоқлар тушди.



6. “Сув – тириклик манбаи” мавзусида дўстингиз билан диалог тузинг.





Ёмғир



1. Матни ўқинг.

Ёмғир

Куннинг иккинчи ярмида ҳаво дим бўлиб қушлар безовта уча бошладилар. Енгиш шабада учди. Булутдан бир-икки томчи ёмғир тушди. Болалар севиниб осмонга қарадилар. Секин-аста ёмғир томчилай бошлади. Бироздан сўнг тезлашди.

Ёмғир жилғалар ҳосил қилди. Ариқлар тўлиб оқа бошлади. Бинафшалар чўмилаётгандек гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга тебранишарди. Бироздан сўнг ёмғир тинди. Булутлар бўлиниб, улар орқасидан қуёш заррин нурларини соча бошлади. Борлиқ яна кўркам бўлди.

Феълларни ўзи боғланган сўз билан ёзинг.



2. Ўқинг. Феълларга сўроқ беринг.

Шамол япроқларни (...) силкитди. Тикувчи кийим (...) тикяпти. Қушлар ин (...) қуради. Ёмғирдан сўнг осмонда (...) кўринди.

Қавс ичида феълларга бериладиган сўроқларни қўйиб кўчиринг.



3. Шеърни ўқинг. Феълларни аниқланг.

Ўтлоқда

Шивир, шивир ...
Ёғса ёмғир.
Мен бораман ўтлоққа
Эчки “ма” рар.
Қўйлар “ба” лар,
Дикирлашиб ҳар ёқда,
Чўмилади,

Кўмилади,
Майсажонлар ёмғирда
Ўтлар ҳиди
Таралади,
Ҳаво хушбўй, соз қирда.



4. Ўқинг. Берилган феълларга яқин маъноли феъллар танланг ва уларни биргаликда ёзинг.

Намуна: севинмоқ – қувонмоқ.

Севинмоқ, соғаймоқ, тугатмоқ, асрамоқ, югурмоқ, йиғламоқ.

Фойдаланиш учун сўзлар: тузалмоқ, қувонмоқ, битирмоқ, чопмоқ, сақламоқ, тўпламоқ.





5. Сувнинг табиатдаги айланма ҳаракати ҳақидаги расмдан фойдаланиб ҳикоя тузинг ўртоқларингиз билан муҳокама қилинг.



6. Топишмоқни ўқинг. Жавобини топинг. Феълларга сўроқ беринг.

Кетаверади, кетаверади,
Ортига қарамайди.





Ер ости сувлари

1. Ўқинг.

Ер ости сувлари

Ердан отилиб чиқаётган булоқ, қудуқдаги сув, дунёнинг кўп шаҳарларида оқаётган сув, ажойиб шифобахш хусусиятга эга машҳур нарзан, баржоми, минерал сувларининг барчаси ер ости сувларидир. Ер ости сувлари ердаги сув айланиш жараёнининг аҳамиятли иштирокчисидир. У кўпгина дарёларнинг ўзига манбаси бўлиб хизмат қилади. Улар бўлмаганида эди, дарёларда сув фақат ёмғир ва қорлардан кейингина пайдо бўларди.



Матндаги феълларни аниқланг.



2. Берилган сўзлардан гаплар тузинг, тузган гапларингизни ёзинг.

Келди, баҳор, ўлкамизга.

Оламни, қуёш, иситди.

Эриди, қор, оппоқ, ердаги.

Майса, билан, кўм-кўк қопланди, қир-адирлар.

Чиқди, ер ҳайдагани, трактор, далага.

Феълларга сўроқ беринг, бош бўлақларнинг тагига чизинг.



2. Шеърни ўқинг. Ёддан ёзинг.



Ҳавас

Балиқларга маза-да,
Сувда сузар ҳар – нафас.
Ҳатто олтин ёзда ҳам
Чанқаш нелигин билмас.




3. Расмдан фойдаланиб тўрт-беш гапдан иборат ҳикоя тузиб ёзинг.
Феълларни тагига чизинг.




5. Тез айтинг.

Учувчи сузувчини учратдими,
Сузувчи учувчини учратдими.

Отбоқар отда от боқдими,
Отда отбоқар от боқдими?





Сувсиз ҳаёт йўқ



1. Матни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг. Феълларни аниқланг.

Сув

Глобусни олиб қаранг. Унда кўкиш, сарғиш, қўнғир, яшил каби рангларни кўрасиз. Кўкиш, кўк бўёқлар билан муҳит, денгиз, кўл, ўзан белгиланади. Эътибор бериб қарасангиз ер юзасининг кўпгина қисмини сув эгаллаганини кўрасиз, шу билан бирга ернинг қалин ҳаво босимини қуршаб туради. Шу ҳавода ҳам маълум миқдорда сув заррачалари бўлади. Ер остида ҳам, ҳамма жойда сув бор. Сувсиз ҳаёт йўқ.



2. Матндаги охирги гапни ўқинг ва мазмуни асосида постер тайёрланг.

3. Ўқинг. Қавс ичида берилган сўзлардан мосини қатнаштириб, гап тузинг ва ёзинг.

1. Чегарачилар тинчлигимизни (қўриқлайди, сақлайди, асрайди).
2. Мен уй ишларида оймга (қарашаман, ёрдамлашаман, кўмаклашаман).
3. Жаҳон халқлари тинчликни (хоҳлайди, истайди, тилайди).
4. Поезд соат 10да (келади, жўнайди).



4. Феълларни ўқинг, бу сўзларни қайсиси шахс-нарсалар ҳаракатини билдиришини айтинг.

- ... – ёритади, иситади.
- ... – сакраяпти, маъраяпти.
- ... – сайраяпти, учяпти.
- ... – югуради, кишнайди.

Фойдаланиш учун сўзлар: от, тўрғай, эчки, қуёш.




5. Ўқинг. Феълларни аниқланг.


Ўтган йили баҳорда
Бир гул кўчат ўтқаздим,
Япроқ ёзди, гул очди.
Ҳусн қўшди боғимга
Тонг шамоли келтирди
Атрини димоғимга.

Исроил Сулаймон

Кўчириб ёзинг ва феълларни тагига чизинг.

5. Расм асосида кичик ҳикоя тузинг.





Содда феъллар



1. Чап ва ўнг устундаги гапларни солиштириб ўқинг. Феълларнинг ифодаланишидаги фарқни тушунтиринг.

- | | |
|----------------|-------------------|
| 1. Қум қизиди. | Қум қизиб кетди. |
| 2. Сув оқди. | Сув оқиб кетди. |
| 3. Поезд юрди. | Поезд юриб кетди. |

Ёдда тутинг!

Феъллар бир ёки бир неча сўзлардан тузилиши мумкин. Бир сўздан тузилган феъллар содда феъллар дейлади.
Масалан: ишладим, ишляяпман, ишламоқчиман.



2. Матни ўқинг. Содда феълларни аниқланг. Матнга сарлавҳа топинг.

Қуёш ерни узоқ қиздириб турди. Тунда уйқуга кетди. Кундуз унинг иссиғига кўп сув бугга айланди. Биз уни кўрмаймиз. Буғ ҳа-вода эркин кезиб юрибди.

Кеч бўлди. Ер, ўсимлик, дарахт япроқлари, тошлар – ҳаммаси салқинланди. Ана шу совиган нарсаларга буғ тегди-да, думаланиб томчига айланди, бу томчи – шабнам.

У туни билан шабнам бўлиб дам олди. Тонг отди. Шабнам қувониб кетди.



3. Нуқталар ўрнига берилган отларга мос феъллар танлаб, гаплар тузинг.

Кеч Қушлар Пода Бепоён осмонда юлдузлар Ёмғир Кунлар Отлар

Фойдаланиш учун сўзлар: тинчиди, исиди, кўринди, кўкарди, қайтди, ёғди, кирди.

Тузган гапларингизни ёзинг. Феълларнинг тагига икки чизиқ чизинг.



4. Гапларни кўчиринг. Феълларни топиб, тагига чизинг ва нечта сўздан тузилганини айтинг.

Мусича тарновга қўнди. Товуқлар донляпти. Тўрткўз уйчасидан қараяпти. Мушук қуёш нурида яйрапти.




5. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.


Кесган болам, кесилмайди,
Кесилса ҳам, бўлинмайди.

Юз кўрадиган ойнам,
Топиб олдим сойдан.

Ўзи сувдан яралган,
Бироқ сувдан қўрқади.

6. Расмни кузатинг. “Кўчат экиш” мавзусида матн ёзинг.





Дарёлар

 1. Матни ўқинг. Мазмунини дўстларингиз билан муҳокама қилинг.

Дарёлар

Сайёрамизнинг юзаси ва қаъридаги сувларнинг ҳажми ниҳоятда катта бўлса-да, инсоннинг яшаши учун муҳим бўлган тоза ичимлик суви захираси етарли даражада кўп эмас. Истеъмол ва хўжалик иш юритиш учун яроқли сувнинг катта қисми дарёларда жойлашган. Шунинг учун ҳам уларни асосий сув ресурси деб ҳисоблаш мумкин.



Дарё суви оқишдан **тўхтамайди**. Дарёлар водийлар бўйлаб **оқади**. Водийнинг энг чуқур қисми дарё ўзани деб аталади. Йил давомида дарёнинг сув миқдори даражаси **ўзгаради**.

Ажратилган феълларни ўзи боғланган сўз билан ёзинг.



2. Нуқталар ўрнига туширилган ҳарфни қўйиб шеърни ўқинг.

Сирдарё

Учқур кийик каби тиним ... илмайсан,
Тўлқинларинг учқур отнинг ёлидек.
Чўл-у ... аҳроларинг гулга бурканган,
Сувинг бунча ширин, қанд-у ... салдек.

Авваллари сира билмас эканман,
Сенинг сувинг саховатли эканин.
Ақлим ... айрон қайнаб оқар ... увингга,
Гулларга бурканган ... кки қирғоғинг.

Анвар Қурбон.



3. Расмни кузатинг. Дарёларда яшовчи ҳайвонлар ҳаёти ҳақида эртак тузинг. Дўстларингизга айтиб беринг





4. Гапларни ўқинг.

Кунлар исийди. Ўтлар кўкаради. Дарахтлар куртак чиқаради. Лолалар, бинафшалар очилади. Жанубдан қушлар учиб келади. Ариқларда сувлар тўлиб оқади.

Ҳикоядаги феълларни нима қилди? сўроғига мос ҳолда ўзгартиринг. Унинг мазмунидан қайси фасл келганлиги ҳақида хабар берилган бўлсин. Ҳикояни шундай бошланг.

Кунлар исиди.





Қўшма феъллар



1. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган феълларнинг неча сўздан тузилганини айтинг.

Марат тез ва тўғри ўқий олади. Сиз ҳам яхши ўқишни ўрганиб олинг. Раҳим бу китобни ўқиб чиқди, энди сиз тез ўқиб чиқа қолинг. Бу хатни сиз ўқиб бера қолинг.

Ёдда тутинг!

Икки ва ундан ортиқ сўздан тузилган феъллар қўшма феъл дейилади. Қўшма феъллар алоҳида ёзилади.

Масалан: ўқиб чиқди, ёза бошлади, айта қол, қўл қўй, ўқиган эди.



2. Ўнг томондаги феълларга *-б*, *-иб* чап томондаги феълларга *-й* ёки *-а* қўшимчаларидан мосини қўшиб, қўшма феъллар ясанг ва намунадагидек ёзинг.

ўқи
ўйла
ёз
чиз

} олди

ўқи
ёз
ишла
тут

} олади

Намуна: ўқиб олди, ўқий олади.

Қўшма феъллардан қатнашитириб, тўртта гап тузинг.



3. Қуйидаги қўшма феъллар иштирокида гаплар тузинг ва ёзинг.

Гапириб берди, югуриб кетди, ўқиб бўлди, кулиб юборди, хурсанд бўлди, учиб келди.



4. Ўқинг. Қўшма феълларни аниқлаб айтинг.

Баҳолар баҳси

Юлдуз “беш” олган эди,
Яшнаб кетди дафтари.
“Ку-ку” лаб “яша”, – деди
Акасининг каптари.

Наврўз “икки” олганди,
Хафа бўлди дафтари:
Ҳатто дон солган эди,
Қарамади каптари.

С.Барноев




5. Расмга қаранг. Ҳайвонлар ҳаётида сувнинг ўрни ҳақида дўстларингиз билан постер тайёрланг.



6. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Сотволди босволди қовун сотиб олди.






Денгиз жониворлари



1. Матни ўқиб, мазмунини сўзланг ва унга сарлавҳа қўйинг.

Дельфинлар денгиз ва океанларда яшайди. Улар тўп-тўп бўлиб сузишади. Дельфинлар одамларга тез ўрганади.

Дельфин сезгир ҳайвон. Уларнинг сезги аъзолари яхши ривожланган. Улар тўлқин бўлишини олдиндан сеза олади. Денгиз ва океанларда фалокат юз берса, дельфинлар дарров одамларга ёрдамга келади.



Матндан қўшма феълларни аниқланг.



2. Гапларни кўчиринг. Қўшма феълларнинг тагига чизинг.

Телефондан ёқимли куй тарала бошлади. Қуёш нури ҳамма ёқни ёритиб юборди. Баҳорги гуллар очила бошлади. Болалар хонадан ҳовлига чиқиб кетишди. Ёқимли шабада эса бошлади. Самолёт ўрмон тепасидан учиб ўтди.



3. Шеърни ифодали ўқинг. Феълларни аниқланг. Ёддан ёзинг.

Ёмғир тинмай томчилар,
Томни роса қамчилар.
Ерга тушар шошилиб,
Тарновларга осилиб.

Вали Аҳмаджон



4. Матни ўқинг. Матдан феълларни топинг.


Балиқ боқиш қоидалари

Кўпчилик аквариумда балиқ боқишни орзу қилади. Аммо уй шароитида балиқ боқишнинг ҳам ўзига яраша йўл-йўриғи бор. Аввало, аквариум сотиб олганда унинг ҳажмига эътибор бериш керак. У қанча кичкина бўлса, ичидаги сувни шунча тез алмаштириб туришга тўғри келади. Катта балиқларга кичкинагина аквариум ҳарид қилиш ҳам ярамайди.

Аквариумга қўшиб махсус компрессор ҳамда ҳароратни бир маромда ушлаб турувчи мослама ҳарид қилишни ҳам унутманг. Балиқ танлаганда уларнинг яшаш шароити, озиқланишига кўра бир-биридан фарқланмаслигига эътибор беринг. Чунки беозор балиқлар йиртқич балиқлар билан битта аквариумда яшай олмайди.

Балиқларга иложи борича бир хил пайтда, кунига икки маҳалдан емиш бериш керак. Балиқлар учун озуқа зоодўконларида сотилади ва улар қуруқ ҳамда музлатилган ҳолда бўлади.





Бўлишли ва бўлишсиз феъл



1. Шеърни ўқинг. Ажратилган феълларга сўроқ беринг.

Кўклам завқи

Кунлар илиб шабада
Олам кезади.
Бодом баҳор келганин
Дарров сезади.
Бўртиб турган ғунчалар
Гуллар очилар.
Муаттар ҳид боғ оша
Ҳар ён сочилар



2. Ўқинг. Феълларни аниқланг.

Озода учинчи синфда ўқийди. У дарсдан сира кеч қолмайди. Озода ўртоқларидан ёрдамни аямайди. Китоб, дафтарларини ифлос қилмайди.

Ёдда тутинг!

Келди, борди, айтди каби феъллар ҳаракатнинг бажарилганлигини билдиради. Бундай феъллар бўлишли феъллар дейилади.

Келмади, бормади, айтмади каби феъллар эса ҳаракатнинг бажарилмаганини билдиради. Бундай феъллар бўлишсиз феъллар дейилади. Бўлишли феълга -ма қўшимчасини қўшиш билан бўлишсиз феъл ҳосил бўлади.



3. Кўчиринг. Бўлишли феълни бўлишсиз феълга айлантириб ёзинг. Бўлишсиз феълни ҳосил қилган қўшимчанинг тагига чизинг.

Ёзди – ёзмади
ўқиди –
айтди –

ухлаяпти –
чиқяпти –
арралайди –

сақлайди –
ишлайди –
ичади –



4. Топишмоқларни ўқиб, феълларни аниқланг, уларнинг қандай феъл эканлигини айтинг.

Ёнса тутун чиқмайди,
Ҳеч ерга гард юқмайди.
Бас, гугурт чақсанг фақат,
Қайнар чой, пишар овқат.



Икки ака-ука яшайди,
Бир-бирини кўрмайди.




5. Ўқинг. Феълларни аниқланг.

Бугун ҳаво яхши исиди. Ўртоқларим келди. Қуёш жуда қиздирди. Мен чўмилишга бориш учун тайёрландим. Куннинг иккинчи ярмида чўмилишга бордик.

Бўлишли феълларни бўлишсиз феълларга айлантириб, маттни кўчиринг.





Сув – ҳаёт манбаи



1. Матни ўқинг. Бўлишли ва бўлишсиз феълларни аниқланг, ўзи боғланган сўз билан бирга кўчириб ёзинг. Матнга сарлавҳа топинг.

Сувсиз овқат ҳам пишмайди, тозалик ҳам бўлмайди. Сув йўллари: инсон қатнайди, қайиқ, кема сузади, юк ташилади, дарахтларни оқизиш орқали керакли манзилига етказишади. Сувнинг кучидан электр қувватини олишда ҳам фойдаланилади. Сув орқали уйлар иситилади. Бирорта ҳам корхона ёки ишлаб чиқариш ўрни сувсиз ишлай олмайди. Бўёқ тайёрлаш, мато, тери бўяш, қоғоз, совун тайёрлаш, нон пишириш ва яна бошқа ишлар сувсиз ишламайди.

Йирик ўзанлардан канал орқали чўл ерларга сув чиқарилиб, пахта, гуруч ва бошқа экинлар суғорилади. Сувнинг инсон ҳаётидаги ўрнига тенг келадиган нарса йўқ.



2. Шеърни ўқинг. Бўлишсиз феълларни аниқланг, бўлишли феълга айлантириб ёзинг.

Тойчоқ ўртоқ

Тойғончиққа
Борма, тойчоқ,
Тойғончиқда
Тойма, тойчоқ.
Тағин бирдан
Тойиб кетма,
Оёқларинг
Майиб этма.
Қани чопдик
Тойчоқ ўртоқ
Бизни кутар
Яшил ўтлоқ.
Чопқиллайлик
Билмай чарчоқ
Ўртоқ тойчоқ.



Пўлат Мўмин



3. Нуқталар ўрнига гапнинг мазмунига мос феълларни қўйиб, гапларни кўчиринг.

Чегарачи Ватанимизни Космонавт ракетада Нафиса она-сига Кончи ердан кўмир Мушук сичқонни

Фойдаланиш учун сўзлар: учди, қўриқлайди, ёрдамлашпти, пойлади, қазияпти.

Феълларни тагига чизинг.



4. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Чопсанг, чопилмайди,
Кўмсанг, кўмилмайди.


Тег десам, тегмайди,
Тегма десам, тегади.

Ўтда ёнмайди,
Сувга ботмайди.



5. Дўстингиз билан сувнинг фойдали ва зарарли томонлари ҳақида суҳбатлашинг.





Сув – муқаддас неъмат



1. Матни ўқинг. Бўлишли ва бўлишсиз феълларни топинг.

Айсберг – бу сувда сузиб юривчи улкан муз бўлагидир. Айсберглар денгиз тубига чўкмайди, чунки муз сувдан енгил. Айсбергнинг фақат энг устки қисми сув юзида кўриниб туради. Сув остида эса унинг кўриниб турганидан бир неча баробар катта улкан қисми бўлади.



2. Гапнинг мазмунига мос сўзлар қўйиб шеърни ўқинг.

Эрта билан
Мактаб томон
Қувнаб – қувнаб
..., ...

Эҳ-е, йўлда
Қанча-қанча
Одамларга
...,

Таниш бўлсин,
Ҳоҳ нотаниш
Саломлашмай
... .

Акс ҳолда
Мен ўзимни
Шод – хуррам ҳис
... .

Фойдаланиш учун сўзлар: дуч келаман, этолмайман, йўл оламан, ўтолмайман.



3. Ўқинг. Бўлишли ва бўлишсиз феълларни аниқланг. Бўлишсиз феълли гапларни кўчириб, эга кесимининг тагига чизинг.

Ўрдак билан ой

Ўрдак дарёда кун бўйи балиқ овлади. Битта ҳам балиқ тополмади. У кечаси сувда ойнинг аксини кўриб қолди ва балиқ бўлса керак деб ўйлади. Ўрдак уни тутиб олиш учун сувга шўнғиди. Бошқа ўрдаклар буни кўрдилар ва масхара қилиб кулдилар. Ўша вақтдан бошлаб ўрдак сувнинг тагида балиқ кўрганда ҳам, уни овламайди.

Л.Толстой




4. Тез айтишни тез-тез айтинг.


Салқин сойнинг соҳилларида сайроқи саъвалар сара-сара сайрарди.



5. Топишмоқни ўқинг. Жавобини топинг. Кўчиринг, феълларни тагига чизинг.

Денгиз бизга тор кўлмак,
Океанда яйраймиз.
Вазнимиз юз “пуд” дан мўл,
Сув ютиб, сув пуркаймиз.





Феъл ясовчи қўшимчалар



1. Ўқинг, ажратиб кўрсатилган сўзларни бир-бири билан қиёсланг.

Кўз кўрқоқ, қўл ботир. **Сўз** кўрки мақол. Аскардек бийрон сўз-**ла**, сўзлаганда мазмунни кўз**ла**. **Қарс** икки қўлдан чиқади. Тун қоронғисида даҳшат билан бир нарса **қарсиллади**. Радиодан шўх **куй** таралмоқда. Ватан мадҳини завқ билан **куйлади**.

Ажратилган сўзларнинг маъноли қисми бир бўлганларини ёнма-ён ёзинг. Ўзак ва ясовчи қўшимчаларни тегишлича белгиланг.

Ёдда тутинг!

Сўз асоси – ўзакларга **-ла, -илла (-улла)** ясовчи қўшимчаларини қўшиш билан феъл ҳосил қилинади.

Кўз-кўзла

қарс-қарсилла

Иш-ишла

ғув-ғувилла



2. Ўқинг. Сўз ясовчи **-ла, -илла (-улла)** қўшимчаларидан мосини қўйиб, феъл ҳосил қилинг.

Тоза, таъриф, тақ, шивир, туз, ғув, табрик, қайчи, сўз, даста, пичир.

Ясалган феълларни намунадагидек ёзинг ва ясовчи қўшимчаларни белгиланг.

-ла

-илла

тозала

тақилла



3. Шеърни ифодали ўқинг. Феълларни аниқлаб, ўзак ва қўшимчаларини айтинг.

Шаршара қўшиғи

Бетиним шовуллар
Шаршара.
Сувлари мусаффо,
Энг сара.

Томчилар тепадан
Сакрашар,
Йўлакай куйлашар,
Сайрашар.

Пўлат Мўмин.




4. Нуқталар ўрнига феъл ясовчи *-ла, -илла* қўшимчаларидан мосини қўйиб ўқинг.


Асаларилар боғ, дала кезиб тинмай иш...йди. Чумчуқлар офтобда исиниб чирқ...йди. Боғбон дарахтнинг ортиқча бутоғини арра...йди. Тоғ бағрида шамол виз...йди. Мансур кучугини бўйнидан қучиб эрка...йди.

Кўчиринг. Феълларнинг тагига чизинг.



5. Расмга қараб гаплар тузинг. Тузган гапларингиздан “Дарё ва кўлларда учрайдиган қушлар ” мавзусидаги ҳикояси ҳосил бўлсин.





Кўллар



1. Матни ўқинг. Феълларни аниқланг.

Йирик кўллар

Кўллардаги сув шўр ва чучук бўлиши мумкин. Баъзи шўр кўллар улканлиги туфайли денгиз деб ҳам аталади. Масалан, Орол, Каспий ва Ўлик денгиз. Балхаш кўли эса дунёдаги таркибида ҳам тузли, ҳам чучук сувга эга ягона кўлдир. Кўлнинг ғарбий қисмига келиб қуйилувчи дарё уни чучуклантирса, шарқий қисми доим шўр бўлиб қолаверади.



2. Балхаш кўлида учрайдиган балиқ турлари ҳақида маълумот тўпланг. Дўстингиз билан муҳокама қилинг.



3. Нуқталар ўрнига гап мазмунига мос феълларни танлаб шеърни ўқинг.

Мен кичик чегарачи
Зим-зиё теварагим.
Постда, ҳушёр ...,
Ҳар шарпани
Ҳамма одам ухласин,
Майли олам ...,
Юрт тинчини ...,
Деган сўзим

Қамбар Ота

Фойдаланиш учун сўзлар: кезаман, сезаман, ухласин, сақлайман, оқлайман.



4. Аралаш ҳолда берилган гапларни ўз ўринига қўйиб, ҳикоя тузинг.

У байроқчасини ва пуфакларини олиб, кўчага чиқди. Шу куни Мухлиса хурсанд бўлиб юрди. Ҳамма ёқ чиройли. Кишилар шод, хурсанд. Мухлиса “Узоқдаги дўстимга бор!” – деб пуфакларидан бирини учириб юборди. Янги кўйлагини кийди. Мухлиса эрта уй-ғонди. Отаси унга кўк, қизил пуфак берди. Байрамга Мухлиса ҳам чиқадиган бўлди.

Тузган ҳикоянгизга сарлавҳа қўйиб, қайта сўзлаб беринг ва кўчириб ёзинг.



5. Ўқинг. Сўзларнинг ўзакларини аниқланг.

Иш, ишчи, ишчан, ишлади; арра, аррала; сўз, сўзлайди; гуллади, гул, гулсиз; ранда, рандалайди; қиш, қишлайди; оқ, оқлади.

Ҳар бир сўзга сўроқ беринг. Улар нимани билдиради?

Сифатларни биринчи, отларни иккинчи, феълларни учинчи устунга кўчиринг. Ўзак ва сўз ясовчи қўшимчаларни намунадагидек белгиланг.


<i>Намуна:</i>	Сифатлар	Отлар	Феъллар
	Ишчан	ишчи	ишла




6. Дарё ва кўлларда учрайдиган ҳайвонлар, қушлар номини алфавит тартибида ёзинг.

Ҳайвонлар :

Қушлар :





Феълларда шахс-сон



1. Ўқинг. Ажратиб берилган феълларнинг қайси шахсга оидлигини айтинг. Намунадагидек ёзинг.

Сен китобни ўқидинг. Мен хатни ёздим. У масалани ечди. Сиз совғани ҳаммадан олдин тайёрладингиз. Биз ҳам совға тайёрладик. Улар бизга ёрдамлашдилар.

Намуна: Сен ўқидинг. (II шахс бирлик)

Ёдда тутинг!

Феъллар шахс ва сон қўшимчалари билан тусланади. Феълларда уч шахс ва икки сон бор. Масалан, ўқи феъли шахс ва сон қўшимчалари билан қуйидагича тусланади.

Шахслар	Бирлик		Кўплик	
I шахс	Ўқидим	ўқияпман	ўқидик	ўқияпмиз
II шахс	ўқидинг	ўқияпсан	ўқидингиз	ўқияпсиз
III шахс	ўқиди	ўқияпти	ўқиди (лар)	ўқияптилар (лар)



2. Ўқинг. Феълларни аниқлаб, шахс ва сонини айтиб беринг.

Бойчечак

Эрта баҳорда дадам укамни ва мени Машатга олиб бордилар.

Биз тушга яқин қишлоққа етдик. Мен тизза бўйи қорни кўрдим ва уйда ўтира олмадим.

Жавлон ва мен сой бўйидаги тепаликка чиқдик. У ерда биз роса маза қилиб чанғи учдик. Кейин биз тоққа йўл олдик. Қор тагидан униб чиққан бойчечаклар димоғларга баҳор нафасини уфураётгандай бўлди. Биз бойчечак тера бошладик. Жавлон ва мен бир қучоқ бойчечак териб уйга қайтдик.

Гапнинг эга ва кесимини кўчириб, феълнинг шахс ва сонини қавс ичида белгиланг.

Намуна: Биз бордик (I шахс бирлик).



3. Тайёрла, ёз феълларини тусланг ва ёзинг. Феъллардаги шахс ва сон кўшимчалари тагига чизинг.



4. Шеърни ифодали ўқинг. Ажратилган феълларнинг шахс-сонини аниқланг.

Баҳоначи

Тонгда уйқудан турсам,
Қовоғини уйди осмон.
Дов-дарахтни аямай,
Ёмғир қуйди беомон.
Зим-зиё кўкка боқиб
Мен ҳам қовоғим солдим.
Ёмғир баҳона бўлди
Мақтабимдан ҳам қолдим.


Захро Хасанова




5. Топишмоқни ўқинг ва жавобини топинг.

Дарёдан бири,
Бордир бир сири.

Чанг-чунг этган овоз йўқ,
Сувсиз унинг куни йўқ.
Юриб кетса, орқасида
Қолиб кетган изи йўқ.





Феъл замонлари



1. Ўқинг. Аввал бўлиб ўтган ҳаракатни билдирган феълларни, сўнг ҳозир бўлаётган ва кейин бўладиган ҳаракатни билдирган феълларни айтиб беринг.

Қурувчилар метро қурилишини тамомладилар. Раъно иккинчи синфда ўқияпти. У кинога бормоқчи. Биз компьютердан тўғри фойдаланишни ўргандик. Биз ҳозир тез ва яхши ўқияпмиз. Биз мана бу ҳикояни эртага ўқимоқчимиз.

Ёдда тутинг!

Феълларда уч замон бор:

1. Ўтган замон.
2. Ҳозирги замон.
3. Келаси замон.

Ўтган замон феъли *нима қилди? нима қилдилар?* сўроғига жавоб бўлади: *ўқиди, ёзди, ўқидилар, ёздилар.*

Ҳозирги замон феъли *нима қилаяпти?* сўроғига жавоб бўлади: *ўқияпти, ёзаяпти.*

Келаси замон феъли *нима қилмоқчи?* сўроғига жавоб бўлади: *ёзмоқчи, бормоқчи.*



2. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида феълларнинг замонини аниқланг ва айтиб беринг.

Кўкда саёҳат қилиб юрган ой булут орасига кириб яширинди. Карим 3-синфда ўқияпти. У ҳамма фанлардан “5” баҳо оляпти, бошқа ўртоқларига ҳам ёрдам берапти. Карим ўқув йилини “5” баҳолар билан тугатмоқчи.

Гапларни кўчиринг. Феълларнинг тагига чизинг.



3. Расмларга қаранг. *Нима қилди? нима қиляпти? нима қилмоқчи?* сўроқларига мос феъллардан фойдаланиб гаплар тузинг.



4. Матни ўқинг. Сарлавҳа топинг. Феълларни аниқланг, замонини айтинг.

Юқоридан қараганда, бутун ер юзасини сув босиб тургандай кўринади. Ер юзасининг ярмидан кўпини сув қоплаган. Қоплаган сувнинг ичида олтита материк қатлам кўринади. Биз ер юзасига юқоридан қарай олмаймиз. Сабаби ер юзасидамиз, уни босиб юрамиз. Бизга ер юзаси жуда катта кўринади. Ер қанча катта бўлгани билан унда муҳит кўп. Ер юзасида 4 муҳит бор. Улар бир-бири билан боғланиб ер юзасини қуршаб туради.



5. Ўйланг!


Ер юзасидаги тўрт муҳит номларини айтинг. Улар ҳақида маълумот тўпланг. Гуруҳда муҳокама қилинг.



6. Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Кетаверади, кетаверади,
Ортига қарамайди.

Ёзда уйғониб қолди,
Дарёга тез йўл олди.



Ўтган замон феъли



1. Шеърни ўқинг. Сўроқлар ёрдамида ўтган замон феълени аниқланг.

Хушбўй ҳавоси билан,
Қушлар навоси билан,
Майин сабоси билан
Ўлкамга кўклам келди.
Сойлар тўлиб оқади,
Боғлар кулиб боқади,
Бизга жуда ёқади
Чаманзор ҳар ёқ.

2. Ўтган замон феълларининг шахс-сон қўшимчалари билан тусланишини билиб олинг.

Шахслар	Сони			
	Бирлик		Кўплик	
I шахс	ўқидим	ёздим	ўқидик	ёздик
II шахс	ўқидинг	ёздинг	ўқидингиз	ёздингиз
III шахс	ўқиди	ёзди	ўқидилар	ёздилар

Бил, ишла феълларини ўтган замонда тусланг.



3. Нуқталар ўрнига ўтган замон ва шахс-сон қўшимчасини қўйиб ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Ҳушёрлик

Болалар мактабдан келаётган эдилар. Улар экин майдонига сув тошиб кетаётганини кўриб қолиш... . Собир сувчи Тошмат акани чақириб келишга кет... . Қодир чим, кесак ва дарахт шохларини тўп-лашга кириш... . Тошмат ака ҳам тезда етиб кел... . Биз биргалашиб сувни тўхтат... .



5. Ўқинг. Ўтган замон феълларини кўчириб, қайси шахс ва сонда тусланганини намунадагидек кўрсатинг.

Пароходлар тарихи

19-асрга келиб, елканли кемалар ўрнини парраклар ёрдамида суза оладиган пароходлар эгаллади. Пароходнинг двигатели буғ билан ишларди. Бунда катта қозондаги сув қиздирилган. Сувдан ажралиб чиққан буғ катта босим билан двигателни ишга туширган. Двигатель пароход парракларини айлантирган.

Фойдаланиш мумкин бўлган илк пароходни 1807 йили АҚШлик Роберт Фултон ихтиро қилди. Бу пароход соатига 9 км тезликда сузиб Нью-Йоркдан Олбанигача етиб борди.

Ҳозирда буғ билан ишлайдиган двигателдан деярли фойдаланилмайди. Шунинг учун ҳам пароходларни махсус музёраар ёки сайёҳлик агентликларигагина учратиш мумкин, холос.


(Жажжи академик кутубхонасидан)

Намуна: эгаллади (III шахс бирлик).



6. Сув транспорти ҳақида постер тайёрланг.





Ҳозирги замон феъли



1. Кўчиринг. Ҳозирги замон феълларининг тагига чизинг, шахс ва сонини айтинг.

Биз юмшоқ ўринли вагондан жой олганмиз. Поезд ўрнидан қўзғалди. Унинг тезлиги тобора ортыпти. Биз вагон ойнасидан қараб боряпмиз. Узумзор ва олмазор боғлари кўриняпти. Улар кетидан буғдой далалари уланиб кетди.



2. Ҳозирги замон феълларининг шахс-сон қўшимчалари билан тусла-нишини билиб олинг.

Шахслар	Сони			
	Бирлик		Кўплик	
I шахс	ўқияпман	ёзаяпман	ўқияпмиз	ёзаяпмиз
II шахс	ўқияпсан	ёзаяпсан	ўқияпсиз	ёзаяпсиз
III шахс	ўқияпти	ёзаяпти	ўқияптилар	ёзаяптилар

Уч, бил, тўқи феълларини ҳозирги замонда тусланг. Тусланган феъллардан қатнаштириб, учта гап тузинг ва ёзинг.



3. Ўқинг. Феълларни аниқлаб, шахс – сон ва замонини айтинг.

Намуна: Келди - шахс, бирлик ўтган замон.

Баҳор келди, табиат уйқудан уйғонди. Боғларда, қир – адирларда, водийларда майсалар кўкарди. Дарахтларда қушлар чуғурлаша бошлади. Баландпарвоз кабутарлар оёқ остида донлаб юришибди. Баъзи қушлар эса тумшукларида лой, хас – чўп олиб, қишда бузилиб кетган эски инларини қайтадан тиклашяпти. Тутзорда бир булбул сайраяпти.

Матнда нечта гап бор? Охириги гапнинг бош бўлақларини аниқланг.





4. Ўқинг. Сўроқлар ёрдамида ҳозирги ва ўтган замон феълларини аниқланг.

Деҳқонлар ерни ҳайдадилар, экин экдилар, суғордилар, ҳосилни йиғиб олдилар. Тикувчи кўйлак тикяпти. Шифокор касални даво-
ляпти. Дурадгор арралайди рандалайди. Сузувчилар мусобақада сузишяпти.



5. Расмни кузатиш. Ҳозирги замон феълларини қатнаштириб гаплар тузинг.





Келаси замон феъли



1. Ўқинг.

- Сиз катта бўлганингизда нима қилмоқчисиз?
- Мен катта бўлганимда янги-янги уйлар қурмоқчиман.
- Мен эса дунёни айланмоқчиман, кўрган – билганларимни ёз-моқчиман.
- Мен юлдузга учмоқчиман.

Бу саволларга сиз қандай жавоб берар эдингиз? Ажратиб кўрсатилган феълларнинг замонини айтинг.



2. Ўқинг. Келаси замон феълларининг тусланишини билиб олинг.

Шахслар	Сони	
	Бирлик	Кўплик
I шахс	бормоқчиман	бормоқчимиз
II шахс	бормоқчисан	бормоқчисиз
III шахс	бормоқчи	бормоқчилар

Ўзингиз ёзинг, ишланг феълларини келаси замонда тусланг. Тусланган феъллардан қатнаштириб иккита гап тузинг ва ёзинг.



3. Ўқинг. Келаси замон феълларини аниқланг, шахс ва сонини айтиб беринг. Эга ва кесимни кўчириб, феълларнинг тагига чизинг, ёнига шахс, сони, замонини ёзинг.

Намуна: Биз ўтказмоқчимиз. (I шахс, кўплик, келаси замон)

Биз яқинда синфимизда “Қушлар байрами” ўтказмоқчимиз. Байрамда Камола ўзи ёзган “Қушларжон” шеърини ўқиб бермоқчи. Раъно, Ўктам эса ёдлаган шеърларини айтиб бермоқчи. Мен қушларнинг фойдаси ҳақида сўзламоқчиман. Биз қушларнинг ҳаёти ҳақида видеолавҳани томоша қилмоқчимиз.




4. Расмни кузатинг. Унга сарлавҳа топинг ва шу расм асосида кичик ҳикоя тузинг.



5. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Қўнғироқ қўзичоқникими, қўғирчоқникими.

Норнинг нордон анори нарида.



Ўрмон ва жилға



1. Матни ўқинг.

Ўрмон ва жилға

Сокин, қоронғи ўрмон орасида ботқоқли, чимли ерлардан секин жилға оқади. У йиғламсираб минғирлади:

Ўрмон менга ёруғликни ҳам, қуёш шуъласини ҳам, эрка шабадани ҳам юбормайди. Одамлар келиб, ўрмонни чошиб (ўриб), йўқ қилиб ташласа эди, – деди.

Болам! – деди ўрмон, – сен ҳали кичкинасан, шу сабабли менинг фойдамни тушунмайсан. Менинг соямда сен сақланяпсан. Ундай бўлса, қуёшнинг иссиқ тафти билан эсган шамоли сени аллақачон қуритиб қўярди. Ошиқма, бир-бирлаб қўйилиб, кўпаясан, шунда очиқ жойга чиқасан. Қуёшнинг иссиқ тафти-ю, кучли шамоли билан қўрқмай ўйнайсан, – деди.

К.Д. Ушинский



Бўлишли ва бўлишсиз феълларни аниқлаб, кўчириб ёзинг.

2. Кўчиринг. Қўшма феълларни тагига чизинг, ёзилишини билиб олинг.

Моҳинур сув бўйида ўйнаб юради. У бирдан ариққа тушиб кетди. Буни Анвар кўриб қолди. У Моҳинурни ариқдан олиб чиқди ва уни уйига олиб борди. Моҳинурнинг ота-онаси Анварга ташаккур билдирди.



3. Шеърни ифодали ўқинг. -ла қўшимчаси билан ясалган феълларни аниқланг.

Ёқимтой композитор
Бўлсамми деб ўйлайман,
Ўзим термасин айтиб
Ўзим куйин куйлайман.

Ғафур Ғулом

Шеърни ёддан ёзинг.



4. Ўқинг. Феълларни аниқланг, уларга оғзаки сўроқ беринг.

Эрта билан кўчалар гавжум. Ишчилар корхонага, хизматчилар идорага шошиладилар. Ўқувчилар эса мактабга боряптилар. Улар йўлакдан кетишяпти. Ўқувчилар кўча ҳаракати қоидаларини яхши биладилар.

Мактаб кўчанинг нариги томонида жойлашган. Светофорнинг яшил чироғи ёнди, йўл очилди. Ҳасанжон эҳтиётлик билан пиёдалар ўтадиган жойдан ўтди.

Феълларни кўчиринг, ёнига сўроғини ҳам ёзинг.

Намуна: шошиладилар (нима қиладилар?)



5. Расмни кузатинг. Содда ва қўшма феълларни қатнаштириб гаплар тузинг.





1. Шеърни ифодали ўқинг.

Қушча сайрар ўз тилида,
 Қизча боқади ҳайрон .
 Қизча куйлар ўз тилида
 Қушча боқади ҳайрон.

Тўлиб – тошиб сайрар қушча,
 Мақтаб гулни, баҳорни.
 Мафтун бўлиб куйлар қизча
 Мақтаб гулгун диёрни.

Самандар Воҳидов



2. Қуйидаги саволларга жавоб беринг ва жавобингизни ёзинг.

1. Қушча нима ҳақида сайрайди?
2. Қизча нима ҳақида куйлайди?



2. Сўзларни ўқинг. Бўлишли феълларни биринчи устунга, бўлишсиз феълларни иккинчи устунга ёзинг.

Келди, айтмади, боришди, кўрмади, суҳбатлашди, гапирмади, чиқяпти, ухламади, бажарди, ўқимади.




3. Ўқинг. Кўчиринг.

Озода учинчи синфда ўқийди. У дарсдан сира кеч қолмайди. Озода ўқув қуролларини яхши сақлайди. У топширилган вазифаларни мустақил бажаради. Озода ўртоқларидан ёрдамини аямайди.

Гапнинг бош бўлақларининг тагига чизинг.



4. Расмларни кузатинг. Нима қилди? нима қияпти? нима қилмоқчи? сўроқларига жавоб бўладиган феълларни қатнаштириб гаплар тузинг.



5. Билимингизни текширинг.


Савол биздан, жавоб сиздан.

1. Феъл нимани билдиради ва қайси сўроқларга жавоб бўлади?
2. Тусланиш нима?
3. Феълда нечта замон бор? Улар қайсилар?
4. Ўтган замон қўшимчалари қайсилар?
5. Ҳозирги замон феъли қайси қўшимчалар билан ҳосил қилинади?
6. Келаси замон феъли қайси қўшимчалар билан ҳосил қилинади?
7. Феъл ясовчи қўшимчалар қайсилар?



6. Тез айтишни тез-тез ўқинг.

Эркин эгатга эртанги экинни экди



Нутқ маданияти



1. Қуйидаги суҳбатни ролларга бўлиб ўқинг.

Алишер чорраҳадан ўтиш жойида светофорнинг яшил чироғининг ёнишини кутиб турар эди. Унинг ёнига оғир юк кўтарган қария келди. Алишер қарияга:

- Ассалому-алейкум, бобожон, – деди.
- Ваалейкум ассалом, болам, – деди қария.
- Бобожон келинг, юкларингизни кўтариб юборай, – деди.

Қария хурсанд бўлиб:

- Раҳмат, болам умрингдан барака топ, – деди

Алишер қариянинг юкларини кўтаришиб кўчадан ўтишга ёрдам берди. У ўз ишидан хурсанд бўлди.

Алишернинг ҳатти-ҳаракати, муомаласини баҳоланг.

Ёдда тутинг!

Нутқ қанчалик тўғри ва аниқ бўлса, у шунчалик тушунарли бўлади. Нутқ қанчалик ёқимли бўлса, у тингловчига шунчалик кучли таъсир кўрсатади. Тўғри ва ёқимли сўзлаш учун сўзларни тўғри ишлатиш, қоидаларни яхши билиш керак. Нутқ лўнда, тўғри ва ёқимли бўлиши лозим.



2. Нутқ маданияти ҳақидаги мақолларни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.

1. Ободнинг боши тил.
2. Оз сўзла, кўп тингла
3. Она сути бўй ўстиради,
Она тили ўй ўстиради.
4. Ариқни сув бузар, одамни – сўз.

Мақолларни кўчириб ёзинг.



3. Қуйидаги диалогни тўлдириб ўқинг.

- Лаббай, эшитяпман.
- ...
- Ҳа, Акрамовлар хонадони.
- ...
- Мен ўғиллари Шуҳратман.
- ...
- Йўқ, дадам ишга кетганлар. Анвар амакимисиз?
- ...
- Ассалому алейкум, Анвар амаки. Дадамга нима деб қўяй?
- ...
- Хўп бўлади, албатта айтиб қўяман. Хайр.

4. Бир-бирингиз билан телефонда қуйидаги мавзуда гаплашинг.

1. Дўстингиз ҳақида унинг укасидан сўранг.
2. Онангизга қўнғироқ қилиб, уйга кечроқ боришингизни айтинг.
3. Амакингизга қўнғироқ қилиб, улардан қачон келишларини сўранг.





5. Шеърни ифодали ўқинг. Ёддан ёзинг.

Она тилим

Она тилим
 Жону дилим.
 Сенинг билан
 Бийрон тилим
 Она тилим,
 Бобо тилим.
 Сени севар
 Юрту элим.

Мухтор Худойқулов





Гап. Сўз



1. Матни ўқинг. Ҳар бир гапнинг боши ва охирини аниқланг. Гапларни қандай аниқладингиз?

Буви набираси билан яшайди набира ёшлигида бувиси унга овқат тайёрлади, кўйлақлар тикиб берди, эртақлар айтди набира катта бўлди буви эса қариди энди набира бувиси учун овқат пиширади, нон ёпади.

Кўчиринг. Ҳар бир гапни бош ҳарф билан бошланг ва охирига нуқта қўйинг. Биринчи, иккинчи гаплардаги сўзларнинг товуш ва ҳарфлар сонини кўрсатинг.



2. Қозоғистондаги байрамларнинг бирини танланг. Шу байрам ҳақида ҳикоя тузинг.

Қозоғистон Республикасининг байрам кунлари

- 16 декабрь- Мустақиллик куни
- 1 январь – Янги йил
- 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни
- 22 март – Наврўз байрами
- 1 май – Қозоғистон халқининг бирдамлик куни
- 9 май – Ғалаба куни
- 6 июль – Астана куни
- 1 декабрь – Президент куни



3. Ўқинг. Шеърый парчадаги сўзларни бўғинларга бўлиб ёзинг.

Ҳунарингга балли, эй Солижон!
Тахта-ёғочга киритибсан жон.

Қуддус Муҳаммадий

Ҳар бир сўздаги жарангли ва жарангсиз товушларни ажратинг.



4. Сўзларни ўқинг. Аввал унли ва жарангли ундошдан, кейин унли ва жарангсиз ундошдан тузилган сўзларни ўқинг.

Соат, рўмол, ипак, завод, сочиқ, гилам, жадвал, майдон.



5. Шеърини парчани ифодали ўқинг. Матнда берилган маъноси яқин сўзларни аниқланг.

– Маъноси бир сўз нима?
 – Соя билан кўланка.
 Биласизми, аслида,
 Олис жойни дер узоқ.
 Баланд ерни тепалик,
 Қуёш – офтоб, кўча – йўл,
 Энсиз – қисқа, энли – кенг,
 Оймомо – шамсиқамар,
 Бир мазмунни англатар.


Турсунбой Адашбаев


Маъноси яқин сўзларни чизиқча орқали ёнма-ён ёзинг. Ажратилган сўзларга қарши маъноли жуфтини топиб ёзинг.



6. Топишмоқни ўқинг, жавобини топинг.
 Топишмоқ неча сўздан иборат?

Сувга тумшуқ тиқар,
 Сувдан қуруқ чиқар.





Мустақиллик куни



1. Шеърни ифодали ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Мустақиллик яшасин

Гул-чаман ўнг-сўлимда,
Қуёш порлар йўлимда,
Ихтиёрим қўлимда,
Мустақиллик яшасин!

Оллоберган Пўлат

Ажратилган сўзни товуш томонидан таҳлил қилинг.

Ёдда сақланг!

Сўзларни товуш-ҳарф томонидан таҳлил қилиш тартиби:

1. Сўздаги товуш ва ҳарфлар.
2. Унли ва ундош товушлар.
3. Жарангли ва жарангсиз ундошлар
4. Бўғинлар.



2. Диалогни тўлдириб ўқинг.

- | | |
|-----------------------------|---|
| – Салом, Мақсат! | – |
| – Аҳволинг қалай? | – |
| – Бугун қандай байрам? | – |
| – Сен қаерга борасан? | – |
| – У ерда нима бўляпти? | – |
| – Бугун мактабга бордингми? | – |
| – Хайр, Мақсат! | – |



3. Нуқталар ўрнига гапларнинг мазмунига мос сўзларни қўйиб ўқинг ва ёзинг.

16 декабрь - ... куни. Қозоғистон ўзининг ..., ..., ... эга давлат. Алматы шаҳрида мустақилликка бағишланган “Олтин одам” ... бор. Астана Мустақил ... пойтахти.

Фойдаланиш: Мустақиллик, байроғи, герби, мадҳиясига, ёдгорлиги, Қозоғистоннинг.



4. Ўқинг. Матнда нечта гап ва сўз борлигини аниқланг.

Ибрат

Одамзод узоқ умр кўради. Элим деб, юртим деб баракали меҳнат қилади.

Баъзилар Ватан учун жонини фидо этади. Баъзилар ҳалол ишлаб, фахрийлар сафидан муносиб ўрин олади. Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жонини фидо этган аждодлар ёди миннатдор авлодлар хотирасида абадий сақланади. Ватан равнақи, фаровон ҳаёт учун фидокорона меҳнат қилган фахрийлар эъзозланади, ҳурмат билан қадрланади.


Матн юзасидан саволлар тузинг.



5. Мақолларни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

Эл қудрати – чин қудрат,
Ватан тупроғи – қиммат.

Она-юртинг омон бўлса
Ранги-рўйинг сомон бўлмас.





1. Изланинг!

Мактаб ўқувчилари Тўнғич Президент куни муносабати билан Астана шаҳрига саёҳатга боришди. Улар Астанадаги қандай жойларда бўлиши мумкин? Дўстларингиз билан постёр тайёрланг.



2. Ўқинг. Ҳар бир гапнинг эга ва кесимини кўчириб ёзинг.

Канал сувга тўлди. Чанқоқ ерларга сув чиқди. Сувчи ғўзани тунда суғоради. Сувсиз ерда гиёҳ унмайди.



Гаплардаги бир хил ўзакли сўзларни аниқланг. Уларнинг ўзагини топинг.

3. Матнни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Астанада – Ақўрда, Президент маданият маркази, Президент музейи бор. Музей 2005 йили очилган. Музейда “Рамзлар зали”, “Отамакон” заллари бор. Музейда Президентнинг совғалари, расмлари, шахсий буюмлари бор.

Музей жуда катта ва чиройли.



4. Берилган от, феъл ва сифатлардан гаплар тузинг.

Отлар: шамол, дарахтлар, кунлар, гуллар, ҳидлар.

Феъллар: очилди, бошланади, тарқалди, эсди, гуллади.

Сифатлар: мевали, майин, оқ, қизил, иссиқ, ёқимли.

Тузган гапларингизни ёзинг. Эга ёки кесим билан боғланган иккинчи даражали бўлақларни аниқланг.



5. Шеъринг парчани ифодали ўқинг.

Юртим

Юртим, тупроғингни кўзимга сурдим,
Бундан юрагимда чексиз завқ туйдим.
Онасини суйган боладай суйдим,
Тоғ-у тошларингни, далаларингни.

Туроб Ниёз

Шеъринг парча мазмунига боғлаб “Она юртга мухаббат” мавзусида эссе ёзинг.



6. Расмларни кузатинг. Болаларнинг ҳаракатларини қандай баҳолайсиз? Кичик ҳикоя тузинг. Тузган ҳикоянгиизга сарлавҳа қўйинг.



1. Шеърни ифодали ўқинг.

Қувончларга тўлди дил,
 Қуёш каби кулди дил.
 Тошган дарё бўлди дил,
 Сен келганда, янги йил.
 Улғайишга шошдик биз,
 Яна бир ёш ошдик биз.
 Бағримизни очдик биз,
 Сен келганда, янги йил.

Туроб Ниёз

Шеърдан гап бўлақларини аниқланг.
 Сиз янги йил байрамларини қандай кутиб олгансиз? Дўстларингизга сўзлаб беринг.

2. Матнни ўқинг.

Арча байрами

Кенг ва ёруғ мактаб зали. Залнинг ўртасида баланд арча жуда чиройли безатилган. Зал ўқувчилар билан гавжум.

Қувноқ мусиқа янгради. Қорбобо ва Қорқиз бизларни ўйинга таклиф қилди. Биз арча атрофида ўйнадик, қувноқ ашулалар айтдик. Ўктам ва Зебо шеър ўқиб берди.

Байрам охирида Қорбобо ҳар би-римизга совғалар улашди. Ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Арча байрами жуда кўнгилли ўтди.

Матндан иккинчи ва тўртинчи гапларни кўчириб ёзинг. Гаплардаги бош ва иккинчи даражали бўлақларнинг тагига тегишлича чизинг.





3. Матни тўлдириб ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Болаларни энг севимли байрами - Янги йил байрами. Янги йилда ... безатилади. Мактабда ҳам янги йил ... ўрнатилди. Болалар турли ... кийишди. Байрамга ... билан ... келишди. Улар болаларга турли ... берди.

Гапнинг бош бўлаklarини аниқлаб тагига чизинг.



4. Савол биздан, жавоб сиздан.

Саволларни ўқинг ва жавоб беринг.


1. Сўз нима?
2. Гап нима?
3. Гап нималардан тузилади?
4. Гапда қандай бўлаklar бор?
5. Бош бўлаklarга қайси бўлаklar киради?




5. Янги йилда Қорбободан қандай совга сўраган бўлар эдингиз?



Қорбобога хат ёзинг. Хатингиз дарак гап, сўроқ гап ва ҳис-ҳаяжон гаплардан тузилган бўлсин.





Сўз таркиби



1. Матни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни сўз таркиби бўйича таҳлил қилинг.

Назокат ва гўзаллик тимсоли

Меҳр – оқибат чашмаси, назокат ва гўзаллик тимсоли, олами яшнатувчи ва яратувчи улуғ зот – аёлларни шарафлаш учун 8 март байрам этиб белгиланган.

Шу куни барча аёлларга таъзим ва ҳурмат бажо келтириб, уларга гуллар тортиқ қилинади. Аёл суюкли она, оила таянчи, устоз ва мураббийдир.



2. Изланинг.

1. Сиз 8-март – хотин-қизлар байрами муносабати билан кимларни табрикларингиз?
2. Онангизга қандай совға тайёрларингиз?
3. Онангизга 8 март байрами муносабати билан табрикнома ёзинг.





3. “Менинг онажоним” мавзусида 5-6 гапдан иборат эссе ёзинг.



4. Шеърни ифодали ўқинг.

Онажоним

Бағри обод
Чеҳраси шод.
 Онажоним
 Энг улуғ зот.
 Сўз **бошим** – сиз
 Кўз **қошим** – сиз.

Умр бўйи **сирдошим** – сиз
 Сиз олиб дам
 Юринг бардам
 Хизматга мен
 Бўлай ҳар дам.

Эркин Қамбар

Ажратиб берилган сўзларни ёзинг, ўзакларини белгиланг.



5. Сўзларни ўқинг. Сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида янги сўзлар ҳосил қилинг.

Пахта, ўт, сув, сут, нон, гул, туз, кутубхона, ўрик.




6. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Она билан олам мунаввар.

Она билан бола,
 Гул билан лола.

Онанинг бир қўли бешикни тебратади,
 Бир қўли дунёни тебратади.



Сўз туркумлари



1. Шеърни ифодали ўқинг.

Наврўзи айём бугун

Ариқларнинг лабида,
Ниш урса ҳар ялпизлар.
Сочпопук тақиб қатор
Қувнаса жажжи қизлар,
Билинг, баҳор келибди.

Наврўзи айём бугун
Қир ҳам очиб бағрини.
Тутар алвон лолалар,
Қутлаб ёш-у қарини
Фасли баҳор келибди.



Вали Ахмаджон

Кўплик қўшимчасини олган отларни аниқланг.



2. Матни ўқинг.

Наврўз байрами

Чимкент шаҳрининг энг чиройли боғларидан бири – Абай хиёбони одамлар билан гавжум. Бу ерда Наврўз байрами тантаналари бошланыпти. Боғ жуда гўзал, атрофда ҳамма байрам либосида. Гул кўтариб олган ўқувчилар сахна тарафга кетяптилар. Ҳар томондан карнай ва сурнай садолари эшитиляпти.

Нариги томонда оқ либос кийган ошпазлар сумалак, кўк сомса, ҳалим ва ширинликлар тайёрлаяптилар.

Тепаликка жойлашиб олган созанда ва доирачилар шўх куйларни ижро этиптилар. Саҳнада бир гуруҳ йигит ва қизлар рақсга тушыпти.

Ҳозирга замон феълларини аниқланг ва ёзинг.



3. Расмларни кузатинг. Таомларнинг номларини айтинг.



Ўзингиз ёқтирган таомга керакли масаллиқлар тизимини ёзинг. Улар қайси сўз туркумига киради?



4. Ўқинг, отларни аниқланг, уларни сифатлар билан биргаликда ёзинг.

Тоза ҳаво, тиниқ сув бизнинг яқин дўстимиз. Узоқдан болаларнинг қувноқ овози эшитилди. Гўзал Ватанимиз топсин шараф-шон. Шабадада дарахтнинг яшил япроқлари тебранди.




5. -ли, -ла, қўшимчалари ёрдамида отлардан сифат ва феъллар ҳосил қилиб ёзинг.

Юк – ...,

Сих – ...,

Шох – ...,

Қоп – ...,





1. Расмни кузатинг. Қайси байрам тасвирланган? Расм асосида матн тузинг ва ёзинг. Матнга сарлавҳа топинг.



2. Шеърни ифодали ўқинг. Ёддан ёзинг.

Суюкли кўркам ой келди,
Байрам келди – май келди.
Кўкда қуёш чарақлаб
Кўклам келди – ярақлаб.

С.Зикибаев



3. Мақолларни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.

Барака – кўпчиликда.
Бирлашган дарё бўлар,
Тарқалган ирмоқ бўлар.
Бирлашган ўзар,
Бирлашмаган тўзар.



4. Қуйидаги берилган дарак гаплардан сўроқ, ҳис-ҳаяжон гаплар ҳосил қилиб ёзинг.

Уйимизга меҳмон келди. Терим бошланди. Ёмғир ёғди. Осмонда камалак кўринди. Қушларнинг майин сайраши эшитилди. Олмаҳон ерга сакраб тушди




5. Ўқинг. Эртакни давом эттиринг ва кўчиринг.

Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда бир овчи яшаган экан. У ов қилгани ўрмонга борибди. Қараса, тузоғига бир кийик илинибди. У оддий эмас, сеҳрли кийик экан.....



6. Тез айтишни тез-тез ўқинг.

Гуландоннинг гулдонидаги гуллар
гул гузаридаги гуллардан гўзал.




**1. Матни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.**

9-май – мустақил Ватанимизда Ғалаба байрами сифатида нишонланади.

Бу байрам Қозоғистон халқи учун жуда қадрлидир. Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган мард ва жасур ватандошларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Қозоғистон дея аталган саховатли заминимизда доимо тинчлик, осойишталик, фаровонлик ҳукм сурсин.

Матни кўчиринг, сифатларнинг тагига чизинг.

**2. Расмларга қаранг. Қозоғистонлик ботирларни таниб олинг. Уларнинг Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасоратлари ҳақида нималар биласиз?****3. Ўқинг. Аввал қанча? ёки неча? сўроғига кейин нечанчи? сўроғига жавоб бўлган сонларни топиб, уларни ўзи боғланган от билан бирга кўчиринг.**

1941 йилнинг 22-июнида немис-фашист газандалари тўсатдан ҳужум қилиб, Францияни 4 кунда, Голландия ва Бельгияни 19 кунда босиб олишган.

“Ғунча”дан



4. Нуқталар ўрнига сўроқларга мос сўзлар қўйиб, гапларни кўчиринг. Кесимларнинг тагига икки чизиқ чизинг.

Чегарачи Ватанни (нима қилади?) Ватанимиз халқлари тинчликни (нима қиладилар?) Учувчи самолётни (нима қилади?) Байрам куни салют овози (нима қилди?)

Қўйиш учун сўзлар: эшитилди, истайдилар, бошқаради, қўриқлайдилар.



5. Шеърни ифодали ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Ватан учун аждодим
Ўлимга ҳам юз тутган.
Талай жасорат ила
Душманни яксон этган.
Ўтса ҳамки неча йил,
Халқим буни унутмас.
Ватан учун жон берган
Аждодлар номи ўчмас.


Шеърдаги қўшма феълларни аниқлаб, айтинг.



6. Ўқинг. Мазмунини сўзланг. Матнда нечта гап бор?

Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган кишилар хотираси қалбларимизда абадий сақланади. Биз яна жаҳон уруши оловининг портлашини истамаймиз. Биз тинчликни истаймиз.

Гапларни кўчиринг, бўлишсиз феълнинг тагига чизинг.



Гулла, яшна Астана!

1. Расмларни кузатинг. Улар асосида пойтахтимиз ҳақида ҳикоя тузинг.



2. Матни ўқинг.

“Хоншотир”

“Хоншотир” Астана шаҳрида жойлашган бўлиб 2010 йили очилган. “Хоншотир” Қозоғистондаги меъморчилик санъатининг замонавий намунаси. Унинг архитектору – Норман Фостер. Бинонинг баландлиги – 150 метр. “Хоншотир” да савдо марказлари, дам олиш жойлари бор. Дам олиш кунлари “Хоншотир”га 25минг одам келади.



Матндан сонларни аниқланг. Рақамларда берилган сонларни сўзлар билан ёзинг.



3. Шеърни ифодали ўқинг.

Чин фарзанд бўламан

Озод диёр, обод диёр ватаним,
Бағри бўстон, бағри баҳор ватаним.
Поёни йўқ қучоғида шоддирман,
Қуёшдайин кулиб боқар ватаним.
Ҳали ёшман, ҳали кичик боламан,
Юртим қучоғида унган лоламан.
Улғаяман соат сайин, кун сайин,
Ватанимга содиқ фарзанд бўламан.

Туроб Ниёз

Сифатларни ўзи боғланган от билан кўчиринг.



4. Ўқинг. Гапнинг мазмунига қараб, охирига тегишли тиниш белгисини қўйиб, кўчиринг.

Истиқлол берган неъматни қадрлайлик у математикадан қандай баҳо олди эй майсалар майсалар сиздан олам ясанар.

Бу гапларнинг турини айтинг. Жавобингизни асослаб беринг.

5. Қуйидаги феълларга яқин маъноли феъллар топиб ёзинг.

Хоҳламоқ, ачинмоқ, соғаймоқ, чарчамоқ.

Шу феъллар кесим бўлиб келган гаплар тузинг.





1. Матнни ўқинг, ўхшаш матн тузиб ёзинг.

Менинг туғилган куним

Бугун – 18-сентябрь. Менинг туғилган куним. Мен 9 ёшга тўлдим. Учинчи синфда ўқийман. Туғилган кунимга кўп меҳмонлар келди. Улар менга турли совғалар ҳадя қилишди. Менинг туғилган куним – оиламиз учун байрам.



2. Оила дарахтига ўз оилангиз аъзоларини қандай жойлаштира-
сиз? Уларнинг туғилган кунларини биласизми?



Дўстингизни туғилган куни билан табриклаб дил сўзларингизни ёзинг.



4. Нуқталар ўрнига нарса шахс номларини қўйиб ва кўчириб ёзинг. Олмахоннинг нима учун аччиқланганини айтинг.

... туғилган куни эди. У ... меҳмон чақирिशга юборди. Олмахон ..., ... ва ... уйғотиб, бу хабарни уларга етказди. Қуён меҳмонларни ..., ... ва ... билан меҳмон қилди. Олмахон аччиқланди. Айиқ буни сезиб қолди. Айиқ ўрмондан келтирган бужур ёнғоқларини олмахон томон юмалатиб юборди. Зиёфат узоқ давом этди.

Фойдаланиш учун сўзлар: қуённинг, олмахонни, айиқни, типра-тиконни, тошбақани, карам, қулупнай, сабзи.




5. Ўқинг. Сонларни аниқланг, ҳар бир гапнинг эга ва кесимини айтинг.

Инсон умри

Агар инсон етмиш йил яшаса, у умрининг йигирма уч йилини ухлаб, ўн уч йилини гапириб, олти йилини овқатланиб ўтказди. Бир ярим йил ювиниб, бир ярим йил кулади. Тинимсиз фикрлайди. Инсон ҳар бир ишга қодир. У юзлаб китобларни ўқиб, ўзлаштириши мумкин. Инсон ўз умрини фойдали ишлар қилишга бағишлайди.

6. Расмни кузатинг. Расм асосида ҳикоя тузинг.





Салом ёз!



1. Матни ўқинг. Матн нечта гапдан иборат.

Таътилда

Яқинда мактабимизда ўқиш тугайди. Ёзги таътил бошланади. Ўртоқларим оромгоҳларга жўнайдилар. Мен қишлоққа – бувимникига бораман. Акам “Тоғ шамоли” оромгоҳига боради. Ҳамма яхши дам олади.

Кўчиринг. Эганинг тагига бир, кесимнинг тагига икки чизиқ, иккинчи даражали бўлақларнинг тагига тўлқинли чизиқ чизинг.



2. Қавс ичидаги сўроқларга мос сўзлар қўйиб ўқинг.

Ёзда

Ёзда (нима?) ерни қиздиради. (Нима?) жуда исийди. Боғларда (қандай?) мевалар пишади. (Қандай?) шамол эсади. Ҳар томондан (қандай?) ҳидлар келади.

Фойдаланиш учун сўзлар: ширин, ҳаво, майин, қуёш, ёқимли.

Кўчиринг. Қўйган сўзларингиз қайси сўз туркумига киради? Улар гапда қайси бўлақ вазифасида келяпти?

3. Расмни кузатинг. Гаплар тузинг.





4. Шеърни ифодали ўқинг.

Ҳар кун болалар куни

Энг яхши китоб сизга,
Нур сочган офтоб сизга,
Ўйинчоқ, копток сизга,
Ҳар куни – болалар куни.
Оналар тегрангизда,
Қувонч бор чехрангизда,
Дунёнинг меҳри сизга.
Ҳар кун болалар – куни.

Захро Ҳасанова



1 июнь – Бутунжаҳон болаларни ҳимоя қилиш куни.

5. Ёзги таътилни мароқли ўтказиш учун ўз режаларингизни тузинг.
Дўстларингиз билан муҳокама қилинг.



Мундарижа

69. Сўз туркумлари.....	3
70. От – сўз туркуми.....	5
71. Атоқли от.....	7
72. Турдош от.....	9
73. Отларда кўплик ва бирлик	11
74. Отларда шахс ва сон	13
75. Отларнинг эгалик қўшимчалари билан турланиши	15
76. От ясовчи қўшимчалар.....	17
77. Отларнинг келишик қўшимчалари билан турланиши	19
78. Бош келишик	21
79. Қаратқич келишигидаги отлар.....	23
80. Тушум келишигидаги отлар	25
81. Жўналиш келишигидаги отлар	27
82. Ўрин-пайт келишигидаги от	29
83. Чиқиш келишигидаги отлар	31
84. Билимингизни синанг	33
85. Сифат – сўз туркуми.....	35

86. Алишернинг ёшлиги	37
87. Туб ва ясама сифатлар	39
88. Сифат ясовчи қўшимчалар	41
89. Одоблилик	43
90. Маънодош сифатлар	45
91. Зид маъноли сифатлар	47
92. Сифатларнинг имлоси	49
93. Амир Темур ўғитлари	51
94. Сифатларнинг гаптаги вазифаси	53
95. Аждодларимиз – фахримиз	55
96. Билимингизни синанг	57
97. Сон сўз туркуми	59
98. Саноқ сон	61
99. Шарқ юлдузи	63
100. Тартиб сон	65
101. Сонларнинг ёзилиши	67
102. Донолар бисотидан	69
103. Сонларнинг рақамлар билан ифодаланиши	71
104. Билимингизни синанг	73
105. Сув – тириклик манбаи	75
Феъл – сўз туркуми	75
106. Ёмғир	77

107. Ер ости сувлари.....	79
108. Сувсиз ҳаёт йўқ.....	81
109. Содда феъллар.....	83
110. Дарёлар	85
111. Қўшма феъллар.....	87
112. Денгиз жониворлари	89
113. Бўлишли ва бўлишсиз феъл.....	91
114. Сув ҳаёт манбаи	93
115. Сув – муқаддас неъмат.....	95
116. Феъл ясовчи қўшимчалар.....	97
117. Қўллар	99
118. Феълларда шахс-сон	101
119. Феъл замонлари	103
120. Ўтган замон феъли	105
121. Ҳозирги замон феъли.....	107
122. Келаси замон феъли.....	109
123. Ўрмон ва жилға.....	111
124. Билимингизни синанг	113
125. Нутқ маданияти	115
126. Гап. Сўз.....	117
127. Мустақиллик куни	119
128. Гап бўлаклари.....	121

129. Севимли байрамимиз	123
130. Сўз таркиби	125
131. Сўз туркумлари	127
132. 1-май байрами.....	129
133. Ғалаба куни	131
134. Гулла, яшна Астана!	133
135. Оиламизда байрам	135
136. Салом ёз!	137

Учебное издание

**Шамадиева Нигара Октамбаевна
Аташикова Зарифа Исламшиковна
Мусаева Махбуза Октамовна**

Ўзбек тили

2-қисм

**Умумтаълим мактабларининг
3-синфи учун дарслик**

(на узбекском языке)

Редактор *Н.О. Юсуфбаева*
Художественный редактор *Ш. Шомухсинов*
Техн. редактор *З. Бошанова*
Дизайн и компьютерная верстка: *Д.К. Мансурова*

ИБ № 7361

Подписано к печати 20.06.2017. Формат 84×108¹/₁₆.
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.
Физ. печ.л. 9,0. Усл. печ.л. 15,12. Усл. кр. от. 60,48.
Тираж 8000 экз. Заказ №



Қазақстан Республикасы “Жазушы” баспасы, 050009.
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.
E-mail: Zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-603-2



9 786012 006032